



сиёсий элитанинг ва унга яқин кишиларнинг барча имтиёзлари ҳам ўз дахлсизлигини сақлаб қолади”, деди у.

Ўзбекистон президенти “Лолани ушбу масъулиятли вазифага босқичма-босқич тайёрлаб бориш чора-тадбирлари ҳамда жамоатчилик фикрини сиёсий ҳокимиятни ворисга топширишга тайёрлашга оид ташкилий ишлар шу йилнинг июнь ойидан бошланиши керак”лигига урғу берди. Шундай қилиб...

Лола Каримовани илгари суриш бўйича ташкилий ишлар бошланганининг илк аломатлари

Жорий йилнинг 9 май куни

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: КАРИМОВ ЎЗ СИЁСИЙ ВОРИСИНING ИСМИНИ ОШКОР ҚИЛДИ

Жорий йил арпель ойининг охирида Ўзбекистон президенти Ислом Каримов Дўрмондаги Кўксарой қароргоҳида тор тоирадаги амалдорларни йиғиб, ўз сиёсий ворисининг исмини ошкор қилди. Президент танлаган шахс исмини биринчилардан бўлиб Рустам Иноятов, Адҳам Аҳмадбоев, Шавкат Мирзиёев ва Рустам Азимов билиб олишди. Шундай қилиб...

“Кенг” Кўксаройдаги “тор” йиғилиш

Йиғилишни очиб берган Ислом Каримов ҳар қандай одам эртамикечми қариб, имкониятлардан чеклана бошлаши ҳақида сўз очди. “Мен ҳам шу қоидадан истисно эмасман. Бундай ҳолатда ҳар қандай инсон вазиятни оқилона баҳолаб, ёқимсиз бўлса ҳам, энг фойдали қарор қабул қилиши керак”, деди Каримов.

Бу мавзуда гапираётиб, давлат раҳбари “яқин беш йил ичида, яъни кейинги президентлик сайловларигача ўз ўрнини ёшроқ ва шижоатлироқ ворисга, манфаатдор томонларнинг барчасини қониқтирадиган шахсга топшириш зарур”лиги ҳақида гапирди. Ислом Каримов йиғилиш иштирокчиларига қарата:

“Ўйлашимча, мен танлаган инсон, ҳокимиятни безарар ва хавфсиз тарзда ўз кўлига олиши мумкин, деб ҳисоблаганим одам сизларни ҳам қониқтирса керак”, — деди.

“Менимча, менинг охириги президентлик муддатим давомида ушбу вазифага Лолани аста-секин тайёрласак, сизлар ҳам қарши бўлмасангиз керак”, деди Ислом Каримов ўзининг кенжа кизини назарда тутиб.

“Тулидан [Ўзбекистон президентининг тўнғич қизи Гулнора Каримова назарда тутилмоқда — У.Х.] фарқли равишда Лола камтаринлиги ва дипломатик босиқ инсон. Халқаро доираларда ҳам у ижобий обрўга эга”, деди Каримов.

Шундан сўнг Каримов ҳозирги сиёсий элитанинг келажаги мавзусига ўтди. “Президентлик лавозимини Лолага топшириш ўртамиздаги барча келишувларни ўз кучида қолдиради. Бу биринчи навбатда кучишлатар тузилмалардаги раҳбарларнинг кейинги вазифаларига тегишлидир. Мен МХХ, ИИБ ва Мудофаа вазирлиги раҳбариятларини назарда тутяпман. Бош вазир ва унинг биринчи ўринбосари ҳам ўз вазифаларида қолишади. Ҳозирги

Тошкентдаги Қатағон қурбонлари майдонида сўзлаган Ислом Каримов ўз нутқи давомида бир неча маротаба, ҳудди ногаҳон оғзидан қочириб юборган кишидек, “мендан кейинги одам”, “кейинги президент” ва “менинг ўрнимга келадиган инсон” деган сўз бирикмаларини ишлатди. Бунгача Каримов ҳеч бир чиқишида, ҳеч бир интервьюсида сиёсий ворис мавзусини кўтармаган эди. Тахминан бир-бир ярим ойдан кейин Қашқадарёлик фермерлар билан учрашуви чоғида яна шу мавзунини тилга олди.

Бизнинг тахминларга кўра, ўта эҳтиёткор Каримов бу сўз бирикмаларини ногаҳондан эмас, балки атайлаб ишлатди, “жамоатчилик фикрини сиёсий ворис масаласига секин-аста тайёрлаб бориш” мақсадида гапирди.

Шу йилнинг июнь ойларида Ўзбекистон давлат телеканалларида Лола Каримова иштирокидаги тадбирлардан олинган лавҳаларнинг кўрсатила бошлагани ҳам аввалдан тузилган режа бўйича амалга оширилди. Бу борада ҳукуматга қарашли “Ўзбекистон” телеканлаи ўзгача фаоллик кўрсатиб, ҳар

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ҳафтада президентнинг кенжа кизи тасвирга ва тилга олинган бир-икки лавҳа намойиш этмоқда.

Лекин булар ҳам ҳаммаси эмас. Сиёсий ворис масаласида Ислом Каримов ўз кизи Лолага тўхталгани ҳақида бошқа воқеалар ҳам дарак беради. Шундай қилиб...

Гулнора Каримованинг онаси ва синглисидан ҳимояланиш учун қилаётган уринишлари

Татьяна Каримова турмуш ўртоғи Ислом Каримовни сиёсий ҳокимиятни кенжа кизлари Лолага топшириш зарурлигига кундирганидан хабар топган Гулнора Каримова ўзини онасининг ва синглисининг эҳтимолий хуружларидан ҳимоя қилишга тушди. “Ҳокимият тепасига келгач, Лола аввалги ҳақорат ва жанжаллар учун қасос олиши мумкин”, деган ҳаёлга борган ва ҳавотирга тушган Гулнора Каримова тури чораларни қўллашга тушди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 19 яшар талабаси Ҳикмат Убайдуллаевнинг Гулнора Каримова ҳимоясига ёзган ва июль ойининг ўрталарида Интернетда эълон қилган очиқ хати Гулноранинг ана шундай уринишларидан бири. Бу хатнинг асл ташаббускори Гулнора Каримованинг ўзи бўлиб, ундан кўзланган мақсад президент ва жамоатчилик диққатини ўзининг ҳозирги ночор аҳволига қаратишдир. Ҳозирча Гулноранинг хавфсизлигига отасининг ўзи қафолат бўлмоқда. Бироқ “Лола отамнинг ўрнига келса ва отам вафот қилса, тақдирим хавф остида қолади”, деган ҳаёлдаги Гулнора Каримова қаттиқ ҳавотирга тушган. Президентнинг тўнғич қизига Ўзбекистон махсус хизматларида бошланган бугунги тозалашлар ҳам таскин бермаяпти. Ахир, бу тозалашларнинг бошланишига Гулноранинг ўзи сабабчи бўлган эди: у Бош вазир Шавкат Мирзиёев орқали отасига мурожат қилиб, Ўзбекистон МХХ ва ПХХ тузилмаларидаги ғайриқонуний ишлар ҳақида бонг урган эди. Шундай қилиб...

МХХ раҳбариятидаги “тозалаш” ишлари

МХХ раҳбариятида ишлаган Жавдот ва Ҳаёт Шарифхўжаевларнинг фаолиятини текшириш ташаббуси Ислом Каримовнинг шахсан ўзидан

чикди. Текширувлардан сўнг Жавдот Шарифхўжаев МХХнинг изоляторига ташланган эди, тергов ва суддан кейин эса у тўрт йилга қамалган эди.

Шуни айтиш керакки, текширув, тергов ва суд жараёнлари давомида Жавдот Шарифхўжаевни МХХ раиси Рустам Иноятов шахсан ҳимоя қилиб келди ва ўз ҳимоясидаги Шарифхўжаевга энг минимал жазо тайинланишига эришди. Ўзбекистон махсус хизматларининг раҳбари ака-ука чекистларнинг жиноий фаолиятида асосий рольни ўйнаган Ҳаёт Шарифхўжаевни ҳам узоқ ҳимоя қилди. Иноятовнинг уринишлари туфайли Ҳаёт Шарифхўжаев жазо тариқасида лавозимидан четлатилди холос.

МХХ аппаратида ишдан кетгач погонли қароқчи МХХнинг Тошкентдаги Институтига ўқитувчиликка ўтказилди. Ҳаёт Шарифхўжаев учун бу сафар ҳам Рустам Иноятов тури берди.

Бироқ май ойининг ўрталарида Ўзбекистон махсус хизматларининг раҳбари ака-ука Шарифхўжаевларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни тўхтатишга мажбур бўлди. Чунки раиснинг ҳимоячилик қилаётгани ҳақидаги гаплар Ислом Каримовгача етиб борган эди.

Бу гапларнинг президентга етиб боришига Жавдот Шарифхўжаев сабабчи бўлди. Ўзига нисбатан чиқарилган тўрт йиллик қамоқ жазосидан норози бўлган Ж. Шарифхўжаев ишни қайта кўриб чиқиш учун апелляция аризаси ёзди. Унинг иши Ислом Каримовнинг шахсий назоратида турганлиги боис президентнинг маслаҳатчилари Шарифхўжаевларнинг кичиги ёзган шикоят аризасини давлат раҳбарининг кабинетига олиб киришади.

Шунча жиноятларига қарамасдан Жавдат Шарифхўжаевга атиги тўрт йиллик қамоқ жазоси тайинланганидан жаҳли чиққан Ислом Каримов Шарифхўжаевга оид ишнинг сиртидаги тўрт рақами олдиға қизил қалам билан бир рақамини чизиб қўйди. Шу тариқа такрорий суддан кейин Жавдот шарифхўжаев 14 йилга қамалди.

Жавдот Шарифхўжаев оид ишни муҳокама қилиш пайтида мамлакат президенти: “Кичик қароқчиға бунчалик кам қамоқ муддати тайинланишиға қиб сабабчи бўлди? Унинг акаси Ҳаёт қандай жаозға тортилди?”, деб сўради.

М а с л а х а т ч и л а р н и н г

жавоблари Каримовни жунбушга келтиради. Президент: “Ака-ука Шарифхўжаевлар ва Иноятовни нима боғлаб туради?”, — деб сўрайди.

Маслаҳатчилар Иноятов ва Шарифхўжаевларнинг алоқалари Своег даврига бориб тақалиши, ўз вақтида уларнинг оталари, собиқ КГБнинг Ўзбек бўлими чекистлари Расул Иноятов ва Шавкат Шарифхўжаевлар ўртасидаги дўстликка бориб тақалиши ҳақида гапиришади.

Бундан ташқари, маслаҳатчилар президентга етказган маълумотларида Иноятов ҳам, шарифхўжаев ҳам оталари томондан этник тожиклар экани ҳақида хабар беришади. “Улар ўз атрофига асосан тожикларни йиғишган. Жумладан, Тошкент шаҳри прокурорининг биринчи ўринбосари Миръалам Мирзаев Рустам Иноятовнинг божаси бўлади. У ҳам тожик. Мирзаевни пойтахтнинг амалдаги прокурори деса ҳам бўлади”, дейишади.

Шу билан биргаликда, Каримовга “Рустам Иноятов, Миръалам Мирзаев, ака-ука Шарифхўжаевлар Латвия ва Аргентинада шахсий денгиз портлари, кемалари ва танкерларига эга” эканлиги ҳақидаги ахборот ҳам тақдим этилди. Бу маълумотлар Каримовни багтар жаҳлини чиқарди. Жунбушга келган Каримов Ҳаёт Шарифхўжаевни ҳам қамоққа тикишни ва ака-ука қароқчиларнинг барча мулкани мусодара қилишни буюрди. Бундан ташқари, Миръалам Мирзаевнинг Ўзбекистондаги мулкани мусодара қилиш ҳақида ҳам топшириқ берди.

Апрель ойининг охирида ҳозирги сиёсий элитанинг даҳлсизлигини сақлаб қолишга ваъда берган Ислом Каримов май ойининг ўрталарида ушбу элитанинг мол-мулкани мусодара қилиш ҳақида топшириқ берди. Шундай қилиб...

Сўнгсўз

Ислом Каримовнинг топшириғи кўра ҳозир МХХ, ПХХ ва Хавфсизлик Кенгашида Иноятов ва Шарифхўжаевларга алоққадор шахсларни аниқлаш ишлари олиб борилмоқда. Кадрларга оид кескин ўзгаришлар кутилмоқда. Ушбу воқеаларнинг шовқини кетиб, чанги чўкса, Лола Каримовани Ўзбекистон президенти лавозимиға кўтариш ишларининг фаол босқичи бошланади.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сиёсатшунос
31.07.2015

Озодлик радиосининг хабар беришича, Анджондаги GM Uzbekistan автомобиль заводи ишчилари 4 ойдан буён маош ололмаётгани хақида Озодликка шикоят келди. Ўзбекистон автомобилларининг Россиядаги бозори касод бўлиши ортидан завод ишчилари ҳафтада 3 кун ишлаб, 4 кун дам олмақдалар. Ўзбекистон мустақиллигининг рамзига айланган завод маъмурияти вазият юзасидан ҳозирча изоҳ бермади.

«Ишчилар ярим иш, ярим татил режимда»

Исмани ошкор қилмаслик ва овозини ёзиб олмаслик шарти билан Озодликка боғланган манба корхона ишчилари тўртинчи ойдирки маошини ололаётганидан шикоят қилди:

«Қарийб ишчиларнинг ҳаммаси маошини олмаяпти. Маошни беришмаётганига сабаб, Асакада чиққан машиналарнинг Россияда сотилмаётгани бўляпти. Заводга пул тушмаяпти. Ишчилар ҳафтанинг 3 кунда ишляпти, холос. 4 кунда дам олишяпти», дейди манба.

Ўзи ҳам мукаддам шу заводда ишлагани, ҳозирга келиб ишдан бўшатилганини айтган манба ишчиларнинг маошсизликдан қийналгани, аммо ишдан қуруқ қолишидан кўрқиб, шикоят қилишмаётганини айтади.

Ўтган ойларда Ўзбекистондан Россияга автомобил экспорти деярли 60 фоизга қисқариб кетди.

Корхонанинг шахсига оид маълумотлар сир сақланганини сўраган бир неча ишчиси ўтган ойда ҳам Озодликка боғланган ва икки ойлик маошини ололмаётганидан арз қилган эди.

«Бундай ҳолат биринчи марта бўляпти. Шу пайтгача ҳеч қачон ойликларни тўлашда кечикиш бўлмаганди. Завод катталари маошлар тўланмаётганига чет элга машина сотиш суствлашганини сабаб қилиб кўрсатишяпти», деган эди завод ишчиларидан бири.

Кўшма корхона ходимларидан яна бирининг Озодликка маълум қилишича, охириги тўрт ой ичида завод жами икки ҳафтага беркитилган, ишчи ва хизматчилар «ҳақ тўланмайдиган меҳнат таътилига» чиқарилган.

Озодлик ишчилардан келган шикоятларга GM Uzbekistan маъмуриятидан бирор изоҳ ололмади. Озодлик манбаларидан бирининг айтишича, завод маъмурияти ишчи ва хизматчиларга

маошлар берилмаётганини «овоза қилмаслик»ни буюрган.

Россияга экспорт суствлашди

GM Uzbekistan кўшма корхонасида ишлаб чиқарилган автомобиллар экспортининг 90 фоиздан кўпроғи Россия ҳиссасига



Асака заводи ишчиларига бир неча ойдан буён маош берилмаяпти

тўғри келади.

Шу ой бошида Европа бизнеси уюшмаси автомобиль ишлаб чиқарувчилари кўмитаси Россияда жорий йилнинг дастлабки беш ойи давомида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 8 минг 622 автомобил сотилганини эълон қилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 58,7 фоиз камроқдир.

Уюшма маълумотида таъкидланишича, ўтган йилнинг айна муддатида Россияда GM Uzbekistan кўшма корхонасининг 20 минг 888 автомобили харид қилинган эди.

Савдонинг суствлашиши ортидан корхонанинг Россия автомобиль бозоридаги улуши ҳам қисқармоқда. Ўтган йилнинг январь-май давридаги GM Uzbekistan ширкатининг 2 фоизлик улуши жорий йилда 1,3 фоизгача тушиб кетган.

Автомобиллар нархи тушди

Экспортнинг қисқариши баробарида Ўзбекистон ички бозорида автомобилларга таклиф талабга нисбатан ошиб бормоқда.

Натижада янги ва эски машиналар нархи ярим йил ичида сезиларли даражада арзонлади.

Тошкентаги энг йирик «Сирғали» машина бозорида савдо қилувчилардан бирининг Озодликка маълум қилишича, минилган автомобиллар нархи ҳам русуми ва ишлаб чиқарилган йилига қараб 20 фоиздан 30 фоизгача арзонлаган.

«Яхши Lacetti машинасини ўтган йил 15 минг долларга сотиб олиш мумкин эди. Ҳозир эса худди шундай машиналар 10 минг долларга сотувда турибди. Лекин харидор йўқ. Менинг ўзим ўтган йил декабрида Каптивамни

24 минг долларга сотмаган эдим. Ҳозир, жуда борса, 19 минг долларга сотаман. Агар омадим кулса. Лекин, машинанинг реал нархи 17-18 минг доллар» — дейди машинафурушлардан бири.

Daewoo ортидан General Motors

Асакадаги автомобил заводи 1996 йилда ташкил этилган. Ўшанда Ўзбекистон ҳукумати ва Жанубий Кореянинг Daewoo Motor ширкати билан тенг шерикчилик асосида автомобил ишлаб чиқарадиган UzDaewooAuto кўшма корхонасини таъсис этган эди. Янги завод йилига 250 минг дона автомобил ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган.

Ўзбекистон 2005 йилда Ўзбекистон Daewoo акцияларининг 50 фоизини сотиб олган. 2007 йилда эса Ўзавтосаноат ва АҚШнинг General Motors ширкатлари UzDaewooAuto ўрнида GM Uzbekistan кўшма корхонаси ташкил этиш хақида шартнома имзолаган. GM мазкур кўшма корхонанинг 25 фоиз акциясига эга.

General Motors Асакадаги заводни номинал 10 долларга сотиб олди. Бундан ташқари Ўзбекистон ҳукумати Тошкентада General Motors билан бирга тенг шерикчилик асосида мотор заводини қуришда кредит учун 300 миллион долларга тенг давлат қафолатини берди.

GM Uzbekistan кўшма корхонасида ишлаб чиқарилган Chevrolet автомобиллари Россия, Қозоғистон, Озарбайжон, Молдова, Украина, Беларус, Грузия, Арманистон, Туркменистон ва Афғонистонда сотилади.

Ҳозирга қадар Асакадаги GM Uzbekistan кўшма корхонасида 2 миллиондан зиёд автомобил ишлаб чиқарилган.

Манба: ozodlik



«Гугуша учун қонун»

Norma.uz сайтининг хабарига кўра, «Ўзбекистон ҳукуматига тегишли норма.уз сайтида хабар қилинишича, Ўзбекистон парламентининг кўйи палатаси уй ҳибсини жазо сифатида жиноий процессуал кодексга киритишни муҳокама қилаяпти. Унга кўра, агар тасдиқланса, жамоатчиликка катта хавф туғдирмайдиган, уч йилдан беш йилгача жазога ҳукм қилинган шахслар энди жазони ўз уйларидан ўташлари мумкин бўлади.

Суд бундай шахснинг жамоатчилик маросимларида қатнашиши, маълум ҳудуд ичра ҳаракати ва алоқа қилиш имқониятларини чеклаб қўяди.

Ўзбекистонда уй ҳибси фақат суд ишидан аввалги чора сифатида қўлланиб келинади.

Таклиф қилинаётган жазо Ўзбекистон қонунчилиги учун янги бўлса-да, ўзбекистонлик ҳуқуқшуносларга кўра, у маълум ҳолларда, хусусан ички ишлар, прокуратуранинг юқори даражали ходимлари ёки ҳокимлар каби мансабдор шахслар учун қўллаб келинган. Баъзи таҳлилчилар бу янги қонунни президентнинг қизи Гулнора Каримовнинг уй ҳибсини қонунлаштириш ҳаракати дея талқин қила бошлашди.

Хорижда бир неча тергов ишларида шубҳаланувчи сифатида кўрилатган Каримова хоним 2014 йил февралдан бери уй ҳибсида ушлаб турилибди ва Ўзбекистонда у афтидан ҳеч қандай жиноятда айбдор деб топилмаган.

У ўз уйига қаматилганида ҳукумат ҳеч қандай изоҳ бермаган, аммо ўтган сентябр ойида Бош прокуратура Каримова хоним уюшган жиноятчи гуруҳ ва коррупцияга алоқадорликда ўтаётган тергов ишида гумондор

сифатида кўрилатганини маълум қилганди.

Марказий Осиё масалалари бўйича таҳлилчи Жоанна Лиллиснинг айтишича, бу тўсатдан қилинаётган қадам Каримова хонимга қарши расман жазо эълон қилиш ва унинг суд ишини ниҳоясига етказиш ҳаракатининг бошланиши бўлиши мумкин.

Норма.уз сайтига шарҳ берган Олий Мажлис қонунчилик палатаси аъзоси Алия Юнусовага кўра, уй ҳибсига аёллар, ёшлар, қариялар ва яхши характерга эга бўлган шахслар кўйилиши мумкин ва бу уларни «жиноий элементларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилади».

Тошкентлик таниқли ҳуқуқшунос Сураат Икромов ҳам мазкур чора Гулнора Каримова учун қабул қилинаётган бўлиши мумкинлигига ишонади.

«Гулнора Каримова, нима дегандаям, ҳозирги президентнинг қизи. Қонун бўйича унга ҳукм чиқариш ёки ҳукмгача тергов изоляторияга олиб бориш керак бўлади. Бу аёллар қамоқхонаси бўлиши мумкин. Лекин, унинг хавфсизлиги деган масала бор.

Президент қизининг жиноятчи аёллар билан қандай кун ўтказишини тасаввур қилиш қийин, ҳар нарса бўлиши мумкин», — дейди у. Бироқ, унинг айтишича, прокуратура аввалига унинг гумондор эканини эълон қилиб, сўнг узоқ сукут сақлаётгани нотўғри.

«Бу гапирилиши керак. Агар тергов бўлаётган бўлса, у тергов қачон тугайди? Мана бир неча йил бўлаяпти, ҳеч нарса дейилмаяпти. Унга жиноий иш қўзғатилганми, қайси моддалар бўйича? Ҳеч қандай ошкоралик йўқ. Суд бўлиши керак», — дейди ҳуқуқшунос.

Манба: bbc.com/uzbek

Ўзбекистон халқига мурожаат

Ўзбекистонда адолатсизлик, ноҳақлик, қонунбузарлик ва зўравонликлардан жабр кўрган Ўзбекистонда ва дунё бўйлаб сарсон ва саргардон бўлиб юрган асли Ўзбекистонлик фуқаролар, диққат қилинг!

Шу йилнинг бошида Ўзбекистоннинг барча вилоятларида бўлиб, Ўзбекистон аҳолисига адолатсизлик, ноҳақлик, қонунбузарлик ва зўравонликларни биргина «Ш. Рустамов бартаф этади» деб варақалар тарқатиб Ўзбекистон аҳолиси ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борган кезларим 3.03.2015 й. куни мени Жиззах вилоят руҳий касалликлар шифохонасига сохта хужжатлар ёрдамида жойлаштириб, сўнг «Кўйинг бу ишларингизни, барбод бўлган барча ишларингизни ва оилангизни тиклаб берамиз» деб ваъда беришганида мен уларга: «Ш. Мирзиёевнинг эркатойлари С. Бозорбоев, Д. Мухаммадиев, Б. Юлдошев, Т. Усмонқулов, Д. Шодмонбеков, А. Абдуғаниев, А. Умаров ва Й. Шамсиевлар ўз хатоларини ўзлари тузатишларини талаб қилганман. Лекин улар ваъдаларини бажармай, мени шифохонадан уйга олиб бориб, ташқарига чиқишимни таъқиқлаб, уйда сиқилиб ўлиб кетишимни кутиб ўтиришди.

25.07.15й куни Бош вазир Мирзиёевнинг яқин ўртоғи У. Маматқуловнинг қўл телефонида: «Мени харом деб, онамни кимнинг тагида ётганини кўрдинг? 1992 йилда Тожикистондаги урушни сенга ўхшаганлар бошлаган, шундай уруш сенга ва Ш. Мирзиёевга керак бўлса бошлайверинглар, яна хароми деб мени оилам билан уриштиринглар» деган хабарнома жўнатиб, ундан у ва бошқа Аббос, Ахрор, Шухрат, Тўрабой, Хабибуллолар урушни истаётганини билдириб: «Сени ундай қиламан, бундай қиламан» деган жавобни телефон орқали олдим.


Адолатсизлик, ноҳақлик, қонунбузарлик ва зўравонликлар асосчилари бўлмиш Бош вазир Ш. Мирзиёев, унинг укалари ва яқинларига қарши кўча норозилик намойишига чиқиш вақти келди.

Ўзбекистоннинг барча хонадонларига варақалар, аудио, видео дискларни етказиш чораларини кўриб, Ўзбекистон халқи бир вақтда бутун Ўзбекистон бўйича кўча норозилик намойишига чиқишга ҳозирлик кўришингизни сўрайман.

Ҳурмат билан: **А.Саримсоқов**
28.07.15й

Шубҳасиз шундай!
Ўзбекистон деб аталмиш
мамлакатда юкри турувчи
идораларга шкоят аризаларни
муомалага лаёқатсиз, томи кетган
одамларгина йўллашади.

Ақлингиз бовар қилмаяпти-я?
Ишонаверинг.
Негаки, қўлимизда
фикрларимизни инкор этиб
бўлмайдиган исботимиз бор,



Кизиқ-ку, маҳкама дегани
“Маҳалла” хайрия жамоат фонди
Шайхонтохур туман бўлинмаси
раси Курбоновнинг “... Рустамов
тинимсиз равишда асоссиз
шикоятлар ёзиб келади... Бир
неча маротаба оила курган, фалон
йилдан бери ишламайди, оиласини
моддий жиҳатдан таъминламайди.
Бир неча маротаба уйланган,
хотинига ҳам биз – маҳалла моддий

Ўзбекистонда арзномаларни фақат ва фақат ақлдан озганлар ёзади!

марҳамат, ўзингиз ҳам гувоҳи
бўлишингиз мумкин:

“Маҳалла” хайрия жамоат
фонди Шайхонтохур туман
бўлинмаси раси Курбонов
қозихонага “Фуқарони (яъни
Шухрат Рустамовни) муомалага
лаёқатсиз деб топиш ҳақида арзи-
хол қилади ва жумладан шундай
дейди: “... Хусусан, фуқаро Ш.
Рустамов кўп йиллардан буён
ушбу маҳаллада яшаб, истиқомат
қилиб келса-да, бироқ унинг хатти-
ҳаракатлари, жумладан маҳалла
фуқаролари устидан турли тухмат
ва бўхтонлардан иборат асоссиз
мурожаатлари билан маҳалла
фуқаролар йиғини, турли давлат
бошқарув органларига мурожаат
этиши оқибатида маҳалла аҳлининг
соғлиғи, маънавий руҳияти ва
турли давлат идораларида асоссиз
саргардонликка олиб келмоқда...”

... Баён этилганлардан келиб
чиқиб, Ш. Рустамовнинг ҳуқуқ
ва манфаатларини ҳимоя қилиш
лозимлигини инobatга олиб,
суд йўли билан уни муомалага
лаёқатсиз деб топиш мумкин
ва бундай фуқарога васийлик
белгиланади”.

Аввал, бошида, Шухрат
Рустамовга жиноий ва руҳий
босим ўтказиш тадбири бошланган
онларидаёқ ҳуқуқ фаоли
“Амалдаги ҳукумат Менинг БМТга
ва турли Халқаро ташкилотларга,
давлат юқори идораларига айрим
амалдорлар устидан жиноят иши
қўзғатишни сўраб, мансабдорлар
кирдикорларини фош этувчи
2 ярим мингдан ортиқ шикоят
аризаларимни оқибатсиз қолдириш
режасини тузган. Муддао, менинг
шикоят аризаларимни йўққа
чиқариш. Шикоятларимга жавоб
сўрайдиганлар топилиб қолса,
“Ҳа, уларми? Бу арзномаларни
бир томи кетган одам йўллаган”
дея суд қарори ва суд тиббиёт
экспертизасининг сохта хулосасини
кўрсатиш орқали қутилиб қолишни

кўзлаганлар” деганларида,
айримлар Ш. Рустамовнинг
фикрларига шубҳа билан қараган
эди.

Мана энди сизга ҳуқуқ
фаоли фикрларининг исботи:
“Маҳалла” хайрия жамоат фонди
Шайхонтохур туман бўлинмаси
раси Курбоновнинг хати-да!

Нима эмиш?!: “... унинг
(Шухрат Рустамовнинг!) хатти-
ҳаракатлари, жумладан маҳалла
фуқаролари устидан турли тухмат
ва бўхтонлардан иборат асоссиз
мурожаатлари билан маҳалла
фуқаролар йиғини, турли давлат
бошқарув органларига мурожаат
этиши оқибатида маҳалла аҳлининг
соғлиғи, маънавий руҳияти ва
турли давлат идораларида асоссиз
саргардонликка олиб келмоқда”
эмиш!

Бу дегани, Ўзбекистонда давлат
идораларининг юқори амалларида
ўтирган мансабдорларнинг
кирдикорларини, жиноятларини
фош этувчи арзномаларни
фақатгина ақлдан озган, муомалага
лаёқатсиз одамлар ёзишади дегани
эмасми?

Бу бор гап.
Яна ишонамаяпсиз-а?
Ишонаверинг!

Фуқаролик ишлари бўйича
Шайхонтохур туманлараро
судининг фуқаро Ш. Рустамовга
нисбатан шу йилнинг 20 июль куни
чиқарган суд қарори фикримизнинг
исботи:

Судда бир инсон тақдири
ҳал бўлмоқда. Унинг муомалага
лаёқатли ёки йўқлиги
аниқланмоқда. Бу шунчаки қўл
учида қилинадиган, бепарво,
лоқайд амалга ошириладиган иш
эмас. Бироқ, сиз 2015 йилнинг 20-
июль куни ҳуқуқ фаоли Шухрат
Рустамовни “Муомалага лаёқатсиз
деб топилсин” деган мазмунда
чиқарилган суд қарорининг
моҳиятига синчковлик билан бир
назар солиб кўринг-а:

кўмак кўрсатганмиз. Рустамов эса
ўшандаям норозилик билдириб,
шикоят ёзди” деган кўрсатмаларига
асосланган ҳолда фуқарога
“Муомалага лаёқатсиз” деган
ташхез қўядиган бўлса, зўр-ку! У
ҳолда, ростанам ҳукумат ўз-ўзини
бошқариш идораси вакилларига
жудаям улкан ваколат берган экан-
да-а? Маҳалла раислари истасан
худудидаги фуқарони бор қилади,
агар хоҳласа, “оиласи нотинч”лиги
учун қозихонага арз қилиб, ақли
ожизга чиқаради-қўяди!

Суд Шухрат Рустамовни
“муомалага лаёқатсиз” дея жиддий
ва қатъий қарор чиқарди. Бироқ
бунингдек улкан айблов қўйишга
қани асос? Маҳалла фонди
каттасининг кўрсатмаларими?

“Бир неча марта уйланган”лиги
учун эркаклар “ақлан ожиз”
саналадиган бўлса, ер юзидаги, лоф
бўлмаса, 70-80 фоиз эркакларга
“ақли заиф” деган ташхез қўйилиши
керак эмасми?

Ва умуман, Ўзбекистонда
оиласининг моддий жиҳатдан
ночорлиги, фуқаронинг ишсизлиги,
умр йўлдоши билан чиқиша
олмаслиги, такрор-такрор оила
куртанлиги учун қачондан буён
эркакларга “томи кетган” деган
тамға қўйиладиган ва бу маҳкама
орқали муҳирланадиган бўлиб
қолган ўзи?

Судья Сафаева шу йилнинг
20 июль кунги суд мажлисида
(Рустамовнинг иштирокисиз!)
“...1952 йилда туғилган, Тошкент
шаҳар, Шайхонтохур тумани,
Каттабоғ кўчаси, 31-уйда яшовчи
Рустамов Шухрат Махмудович
муомалага лаёқатсиз деб топилсин”
дея қарор қабул қилди қўйди.

Бироқ, эътиборга молик нозик
жиҳати шундаки, фуқарони
муомалага лаёқатли ёки йўқлигини
аниқлаш, шахсга “руҳий
носоғлом” деган ташхез қўйиш

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қозининг юмишими? Бунингдек масъулиятли вазифа суд тиббиёт экспертизасининг қилни қирқ ёрадиган мутахассисларини вазифаси эмасми?

Хўш, қани энди, айтингчи, судья Сафоева Рустамовни қай бир асосга таяниб “Ақлан ожиз” деган ташхез қўйди? Суд тиббиёт экспертизаси мутахассисларининг масъулиятини ҳам ўз зиммасига олишга нега бунчалар шошиб қолди?

Савол: Инсон руҳиятининг тиниклигини аниқлайдиган мутахассислиги бўлмаган судья Сафоева қай бир асосга таяниб бир фуқарони “томи кетган” деган хулосага келиши мумкин? Ахир Рустамовни ҳали ҳукумат суд тиббиёт экспертизасидан ўтказиб улгурмаган эди-ку? Қолаверса, судья ўз қароридан “Суд тиббиёт экспертизасининг фалон йил, фалон кундаги хулосасига кўра фуқаро Шухрат Рустамов муомалага лаёқатсиз деб топилсин” дея якуний хулоса – қарор қабул қилиши лозим эмасмиди? Ўшанда суд иши, судья қарори қонунийроқ бўлмасмиди? Фуқаронинг муомалага лаёқатсизлигини тасдиқловчи суд тиббиёт экспертиза хулосаси қани?

Қачонддан бери руҳшунос бўлмаган қозилар инсонларга “ақлдан озган” деган “ёрлик” берадиган бўлиб қолишган?

Модомики, маҳкамадаги қозиларга кишилар руҳиятига ташхез қўйишдек улкан ҳуқуқ берилибдими, Ўзбекистонда соғлом одам қолмайди энди, мана, кўрасиз. Қарабсизки, қозига пора узата олмагани “ақлдан озиб” турибди-да!

Ўзбекда “Ўғри бўл, ғар бўл – инсофи билан бўл” деган гап бўларди.

Ҳукуматнинг хавотирини, минг бир ҳадикда ўзини ўққа-чўққа уриши сабабини ҳам тушунамиз албатта. Бироқ ҳар қандай қитмирилик, қинғирлигу мунофиқликнинг, пасткаш ҳагги-ҳаракатларнинг ҳам чеки-чегараси, ўз меъёри бор. Бироқ кейинги кунларда Ўзбекистоннинг амалдаги ҳукумати ҳийлалари ўз умри бардавомлиги илинжида ниҳоятда ҳаддидан ошиб кетмоқда. Шунчалар меъеридан ошиб кетмоқдаки, кишиларнинг кекирдагига келмоқда... Охири бохайр бўлсин-да ишқилиб...

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА
мустақил журналист

(«Кишанланган қалблар — 25” мақоласига келган изоҳ)

«Дунё ўзбеклари»нинг шаллақилари билан тенг бўлмаслик керак. Халқимизда ...га кесак отсанг юзинга сачрайди, деган гап бор.

Неъмат Акбаров деган шахс Муҳаммад Солиҳни кўчирмачиликда айблаб, Исма

«Дунё ўзбеклари»нинг шаллақилари...

Хушев сайтига «мақола» юборибди, Исма Хушев ҳам дархол чоп этибди, нима эмиш, «Солиҳ бу сайтдан мақола олиб, манба кўрсатмабди, у кўчирмачи» дея айҳаннос солиб, қизил рангли сарлавҳа қўйиб, эълон қилишибди!

Аслида бу мақолани у одамнинг юборганига мен ишонмайман. Бу фиску фасодни агар мақола дейдиган бўлсак, унинг буйибастидан Исма Хушевнинг киёфаси анқиялди. Бунақа жирканч нарсаларни ўттиз милёнли ўзбек миллатининг ичидан фақат битта Исмагина ёзиши мумкин.

Уч-тўрт галварс ўз-ўзимизни ҳар кун мактайверсак, одамлар ҳам бизга ишониб, бизни мактайди, биз биттасига лой чаплайверсак, у албатта шарманда бўлади, деб ўйлаган қалтабин ва жоҳил бечоралар!

Ватанда халқ золим Каримов зулми остида типирчилар экан, халқни аврашга уриниб, мустабидга тинимсиз мадҳия тўқиб, жиноятларини бир қахрамонлик дея, такдим этаётган хоин руҳли жониворлар!

Ватанда Каримов ёлғонидан боши гангиган халқни сайт рейтингидеб Каримовникидан ҳам тубанроқ ёлғонин тарқатиш учун кечау кундуз тер тўқаётган шохли, думли зотлар!

Ўзбекнинг кўзи кўр эмас. У оқ билан қорани жуда яхши ажратади. Кимнинг кимлигини ҳам жуда яхши билади. Буни халқнинг ичида юрган инсонлар жуда яхши билдилар. Исмага ўхшаганлар халқни алдаётгани йўқ, халқни ҳақиқатдан чалғитаётгани йўқ, ўзини алдаяпти, ўзини ҳақиқатдан чалғитиб, ўзига жабру зулм қиляпти. Қолаверса, Исма Хушевни мамлакат ичидаги юз-икки юз адашганлар ва ифвогарлардан бўлак ҳеч ким Ўзбекистонда танимайди. Муҳаммад Солиҳни ўзбекнинг бешикдаги боласи ҳам яхши билади.



Сизларнинг («Дунё ўзбеклари»нинг демокчи) ёлғонингиз сизнинг «юртбошимиз» деб алқаётган Золимнинг ёлғонидан ҳам тубанроқ ва жирканчроқ, чунки сизларни Ўзбек Халқи юрт ташқарисидан юриб, ҳақиқатни айтса, деб умид қилади ва сизлар чоп этган нарсдан ватанда эшитмаган объектив янгликларни эшитишни орзу қилади. Лекин, аммо ва афсус, надомат деган инсоний изтироблар бор...

Аммо сизлар Золим Каримов сиёсатидан азоб чеккан, унинг зулмига бош эгмаган, йиллар давомда зулмга қарши курашган инсонларни беобрў қилиш учун кеча-кундуз тер тўқасизлар! Лаянат бўлсин сизларга! Уйларингизга ўт тушсин! Оллоҳ, сизни фитна ва риёнингизнинг қурбонига айлантирсин! Мунофиқлигингиз бошингизни есин! Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сайти сизларнинг бу каби тубан ташвиқотларингизга жавоб бермай жуда тўғри қиляпти.

Чунки халқ сизларни ҳам, ЎХХ сайтини ҳам, Муҳаммад Солиҳнинг ҳам кимлигини жуда яхши билади. Ким халққа хизмат қилиб, ким ўз пасткашлигини «хизмат» деб бонг ураётгани ҳам унга маълум. Сизлардан одам чиқишига ишонсак эдик, бирор ўғит ва насихат қилган бўлардик. Сизлар насихат ва тўғри сўз билан йўлга рост бўлиш ёшидан ўтгансизлар. Танглайингиз ароқ билан кўтарилиб, қалбингиз шуҳратпарастлик маразига мубғало бўлган. Қоп-қора юрагингиз кин ва ҳасадга тўла. Абдулла Орипов айтганидай, «сассиқ ҳовуз»ни «денгиз» деб юрган балиқчадан фарқингиз йўқ сизларнинг!

Уильям Шекспир «Муз каби доғсиз, қор каби тоза бўлсанг ҳам, тухмадан сақланиш қийин» деган. Муҳаммад Солиҳнинг умри ҳам коммунистик режим ва унинг ҳайбаракаллачилари тош бўрони остида ўтапти, Оллоҳ сабр берсин!

Нўмон Фазлиддин

Маҳаллийчилик — ўзбекнинг қочиб қутула олмаган қисмати деса, муболаға бўлмас. Кўз очиб дунёга келган ўзбекнинг бу муаммо билан тўқнашмай иложи йўқ. Афсуски, вабодан-да хавфли бўлган маънавий “касаллик” дир бу... Вабо маълум муддат “яшаб”, санокли кишиларнинг вужудини емириши мумкин. Ёмон иллат эса, агар унга



шаклланади ва синовдан ўтади”, — деганлари ёдимга тушди...

...Таъкидлаш жоизки, маҳаллийчилик иллати фақат пойтахтдаги баъзи тоифаларнинггина эмас, вилоятлардаги аҳоли айрим қатламининг ҳам “яра”сига айланиб улгурган. Масалан, Тошкентга турли вилоятлардан келиб таълим олаётган талабалар,

барҳам берилмаса, йиллар, асрлар давомида неча-неча авлодларнинг онгини ва қалбини емиради...

Маҳаллийчиликнинг пайдо бўлиш аломатлари-ю, унинг жамиятга келтирган мислсиз зарарлари ҳамда тарихи анча илгарироққа бориб тақалади. Замонлар, даврлар, тафаккурлар эврилишига, таъбир жоиз бўлса, маънавий фасллар “об-ҳаво”сига қараб, қондаги, руҳиятдаги бу “микроб” ҳам гоҳ хуруж қилиб, гоҳ сусайганини, гоҳ эса тинчланганини кузатиш мумкин.

Аслида, давлат мустақиллигини қўлга киритганига чорак аср бўлган бир миллатнинг замонавий, глобаллашаётган дунё ичида яшаб туриб ҳам ҳануз бу эски иллатдан қутула олмаётгани, мазкур маънавий дардга барҳам берилиши ўрнига, аксинча, унинг ривожланишига тўртки бўлиб хизмат қилаётган омилларнинг кўпайиб бораётганлиги жуда ташвишли ва ачинарли ҳол. Лекин, афсуски, чиндан ҳам кейинги беш-ўн йил ичида маҳаллийчилик авж олмақда. Маҳаллийчилик кайфияти устун бўлган кишиларга ҳар қадамда дуч келиш мумкин: маҳаллада, боғчада, мактабда, кўчада, бозорда, олийгоҳларда, ҳатто давлат муассасаларида ҳам...

Ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, директор ҳузурига кирган бир радиожурналистни “эгиб қўйиш”га қасд қилган бош муҳаррир: “Бўтта ман хўжайинман, мани юзимни босиб директорга кирадиганларга кўчасини кўрсатиб қўяман! Санга ўхшаб поездга осилиб келганларга ҳар қадамда ўз ўрнини эслатиб туриш керак! Кўз очиртирмаслик керак. Бўтга келиб одам бўлиб қолган илончаларни биттама-битта бошини янчиб ташлаш керак!” — дея ўшқирганлари, ўша ходимни юмма талаганларини ҳамкасблар узоқ вақт оғриниб сўзлаб юрганлари эсимда... Бу жоҳилона сўзлар оми бир кишининг эмас, одамлар маданият ўчоғи деб биладиган катта даргоҳда масъул лавозимда ўтирган олий маълумотли бир аёлнинг оғзидан чиқаётганлиги ачинарли эди.

Албатта, маънавияти юксак, кенг дунёқараш соҳиби бўлган, иймон-

Вабодан-да хавфли иллат

этиқоди мустаҳкам инсонлар хунук вазиятларни хушхулқлик ила бартараф этиб, суҳбатдошига-да гузал тушунчаларни ҳада эта оладилар. Лекин ҳамма гап қаршингдаги инсоннинг тўғри маслаҳатни қай даражада қабул қила олишида...

Кунларнинг бирида шундоққина подъездимиз ёнида чамаси, 10-12 ёшлардаги етти-саккиз нафар бола бир тенгдошини ўртага олиб мазахлар, ҳақоратлар, турткилаётлаганди. Сал нарироқда кўп қаватли уйларнинг ҳовлисини супуриб юрган кекса ёшлардаги фаррош аёл супургисини оҳиста ерга қўйиб, болаларнинг ёнига келди ва сўради: “Хўш, ўртоғийлани нага хафа қивоссила?” Болаларнинг маҳмаданароғи бижирлай кетди: “Манави бола бизани мактабимизда ўқимасин! Чунки у қишлак. Кетсин шахримиздан!”. Фаррош аёл бир зум ўйга чўмиб турди-да, сўнг деди: “Сизлар бир юртнинг, бир миллатнинг боласи бўла туриб, ўз дўстингизни ранжитишингиз уят. Ваҳоланки, Тошкентимиз бир вақтлар ҳатто ўз ёвларининг боласини ҳам бағрига олгани учун “нон шаҳри”, “меҳру мурувват шаҳри” деятилларда дoston бўлган... Қишлоқликларнинг етиштирган мевалари яхши-ю, ўзлари ёмонми? Кимнинг қай манзилда туғилиши ва қатта яшашини Аллоҳ тақдирга битиб қўяди, ризқу насибасини ҳам Ўзи беради. Шундай экан, бир-бирингизни хафа қилишга не ҳожат?... Қани энди ўртоғийладан кечирим сўрайла-чи!

Болалар ўз ишларидан уялиб, узрхоҳлик қилдилар... Иймон ва ахлоқ борасида гўзал сабоқ олган оддийгина фаррош аёлнинг тарбия усулини кўриб, раҳматли Онамнинг: “Олийгоҳ талабаларининг фақат маълум даражадаги билимини тасдиқлаб, иш юритиши, жамиятга фойда келтириши учун “Диплом” беради, холос. Билим билан бирга ақл-фаросат, гўзал ахлоқ, кенг феъл, иймон этиқод эса Ҳаёт дорилфунунида ўқитилади,

пойтахтда яшаб, ишлаётган баъзи одамлар орасида ҳам маҳаллийчилик кайфиятидаги кишилар борки, улар ФАҲ, САМ СУРҚАШ каби гуруҳларга бўлиниб, баъзан лавозим, шон-шўхрат таллашиш ортидан хусуматлашиб, бир-бирларининг “тагига сув қуйиш”лари, гоҳ зимдан гоҳ очик-ошкор айирмачилик қилишларини кузатиш мумкин. Бундан ташқари, аксар вилоятларда лаҳжа, шевасига қараб туманларга, туманларда эса қишлоқларга ажратиш, баъзи қишлоқларда қадимий уруғ-қабилаларни суриштириш, табақаланиш ҳануз учраб туради. БУЮК КЕЛАЖАКни ваъда қилаётган айрим “жиловбардор”лар эса, халқимиз орасидаги бундай хавфли парчаланишга барҳам бериш ўрнига, аксинча, бу “майда”ланиш ва “майда”лашишлардан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб, моддий бойликка бўлган ўчликларини намоён қилаяптилар, холос. Бу, албатта, афсусланарли ҳол...

Илм сусайган жойда жоҳиллик кучаяди. Жоҳиллик турфа иллатлар, жинойтларга доя бўлади. Бугун мамлакатнинг коррупция ботқоғига обдон ботишига, ҳар соҳада сохтакорлик туфайли ишлар ортга қараб кетаётганлигига айна шу маҳаллийчилик аталмиш кўҳна иллат жиддий сабаб бўлаётир.

...Ҳар бир халқ ўз ҳаётига ўзи масъул. Ҳар бир миллатнинг ютуғи ё фожеаси ўз ҳатти-ҳаракати, феъли-табиати, танлаган йўли, тутган позициясига боғлиқ. Асрлардан буён бир миллат ўлароқ бир Ватанда яшаётган халқ “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар” деган доно нақлига амал қилмай, маҳаллийчилик аталмиш бир иллат пичоғи билан ўзини ўзи бўлаклаб, парчалашига лоқайд қараш мутлақо мумкин эмас. ВАТАН равнақи, халқ фаровонлиги йўлида бир ёқадан бош чиқариб, бир муштдек бирлашиш, дунёнинг турфа тебранишларидан бешикаст, омон қолиш, жаҳоннинг илғор мамлакатлари сафига кириш чорат-дбирлари хусусида жиддий ўйлаб кўриш вақти келмадимикан?...

Манба: bbc.com/uzbek

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Пушкинга қўшимча қиламан:
Кутирган салтанатлар ҳам...
Улуғ Турк шоири Бедил сўзи:
“Бу кураш олами тажрибасида
Ҳар нарсани ечар ҳикмат аслида.
Бунда инсон жаҳди қўшилмас
ҳар он Қўшилса осмонни кўр ер
остида...”

Қадимий Унгин битиги:
“Турк эли йўқолмасин деб,
йитилмасин деб Осмон айтган”.

Мен шу битиклардан ўзимча
хулоса чиқараман. Қондан бино
бўлган СССР қон қусади. Эл: “Қон
тутади”, деб бежиз айтмайди.

Парчаланган Туркистон
парчаланган ҳолда зулумдан
қутилади. Лекин бунга том маънода
мустақил, деб бўладими? Теграда
оч бўрилар тишларини шақиллатиб
турибди. Тарқоқ Туркистон уларга
бас келоладими? Сон жиҳатдан оз-
ку. Қувват жиҳатдан заиф- ку. Нима
дейсиз?

Йўқ.
Ҳар бир бўлак ўзича оёққа
турганда- чи?

Шуда ҳам қийин. Чунки:

Нуфуз,
Куч,
Гавда жиҳатдан улкан, маккор
давлатларга бас келолмайди.
Масалан:

Хитой,
Ўрис,
Ҳатто форсга ҳам.
Нима қилиш керак?
Бунинг фақат бир йўли бор:
Туркистон эли бир миллат
ўлароқ бир туғ остида бирлашиши
керак.

Қонимиз,
Тилимиз,
Динимиз,
Табиатимиз бир бўлса, бунга
нима мовънелик қилади?

Жиловсиз,
**‘Дошноқлар – Ўриснинг юбкаси
остида армани дошноқлари
фаргона водийси элини қириб
ташлаган. Аёлларни буллаган.
Ҳар нарсанинг акс тасири бор.**

Зулмга – зулм билан, қиличга –
қилич билан жавоб берилади.

Осмон – Тангри маъносида.
Очофат,
Ҳалокатга элтувчи худбинлик.
Ватан, халқ тақдири қил
устида турганда, бундан кечилса
бўлмайdimи?

Юрагида эл дарди бор киши
худбин бўладими?

Нима қилиш керак?

Кутамиз.
Агар фақат кутиш бўлса, бу –

ўлим.

Тўғри. Бирок биз тинсиз тарзда
туркийларни муайян бирликка
ундаб борамиз. Бу – ўз мевасини
беради.

Қачон.
Аниқ айтиш қийин. Аммо
хаётнинг ўзи ҳам бунга
тезлаштиради.

Бунга омил ҳам бор.
Қандоқ?
Бош тошга тегавергандан кейин
ҳам тезлашади. Ундовга қотилароқ.



Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-8

Ўғузхон ҳоқон,
Элтариш ҳоқон,
Тўбихон ҳоқон,
Темур ҳоқонларни эсланг.

Тенгсиз турк эллари бирлиги
негизда қандоқ буюк салтанатлар
қуришган!

Бир ботир туғилади.

Юртсевар,
Элсевар.

Билга ҳоқондек

Буюк,
Доно,
Енгилмас,
Енгар.

Тили билан дили бир.

Бир сўзли,
Чин сўзли.

Қўрқмас,
Ўвқур,
Қаттиқ қўл.

Ўз ватанини ўзидан ортиқ
севувчи.

Қошки.
Туғилган,
Туғилади,
Туғилаверади.

Бу нарса туркнинг қонида бор.
Ҳар қандоқ саваш, ўлат, зилзила,
тўфонларда ҳам Осмон Турк
элларини омон сақлайди.

Бўлиниши,
Кучсизланиши,
Қувилиши,
Йиқилиши мумкин.

Лекин йўқ бўлиб кетмайди.

Қайта қалқади.
Кучлироқ бўлиб,
Онглироқ бўлиб,
Хушёрроқ бўлиб,
Бир бутун бўлиб.

Бунга улуғ боболаримиз тузган
18 та улуғ империя бир мисолдир.

Бунга буюк Темур тузган буюк
салтанат бир мисолдир.

Агарчи эссе ҳажмига катталиқ
қилса ҳам сўзимнинг яна бир ёрқин
исботи учун 732 йилда мрамарга
(баландлиги 3 метр 25см.) чўкичда
ўйиб ёзилган Кул Тигин битигидан

(қискартирилган ҳолда) мисол
келтираман: “Юқорида кўк осмон,
кўнғир ер яратилганда, иккисининг
ўртасида инсон болалари пайдо
бўлган. Инсон болалари устидан
ота – бобом Бўмин ҳоқон, Истами
ҳоқон ҳоқон бўлиб ўтирганлар.
Улар тахтга ўрнашиб, турк
халқининг давлатини, қонун –
қоидаларини тутиб турганлар,
риоя қилганлар. Тўрт тараф
бутунлай ёв экан. Лашкар тортиб,
тўрт тарафдаги халқни бутунлай
олганлар, бутунлай тобе қилганлар.
Боши борнинг бошини эгиб таъзим
қилдирганлар, тиззаси борни
чўккалатганлар...”

Улар доно ҳоқон экан, боходир
ҳоқон экан, боқонлари ҳам доно,
ботир бўлган, беклари ҳам,
эли ҳам тўғри экан. Шунинг
учун давлатни тутиб, қонун –
қоидаларни яратган. Ўзи шу тарзда
яшаб, дунёдан ўтган.

Азачи, йиғичилар шарқдан – кун
чиқардан Букли чўлилик эл, Табғач
(Хитой ерига ҳукмрон бўлган
маккор, урушқоқ турк ҳоқонлиги),
Тибет, Авар, Рим, Қирғиз, Уч
қўриқан, ўттиз татар, Қитанай,
Татаби – шунча халқ келиб,
йиғлаган, аза тутган. Шундай
донгли ҳоқон экан...”

Юқорида турк осмони, туркнинг
муқаддас ери, суви шундай дебти:

“Турк эли йўқ бўлмасин” деб,
“Халқ бўлсин” деб отам Элтариш
ҳоқонни, онам Элбилга хотунни
Тангри ўз мартабасида тутиб,
юқори кўтарган экан... У замонда
қул қулга эга бўлган, чўри чўрига
эга бўлган... Давлатимиз, қонун
– қоидаларимиз кучли, тўғри
бўлган. Турк, ўғуз беклари, эй халқ
, эшитинг! Тепада осмон босмаган
бўлса, пастда ер ёрилмаган
бўлса, эй турк эли, давлатингни,
ҳукуматингни ким бузади?...”

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Туркистон бир бутунлиги — буюк қудрат калити

Эй Турк эли, тўқис ишонувчансан. Самимий, носамимийни ажратмайсан, ким қаттиқ гапирса, самимийни ҳам танитайсан. Ушандайлигинг учун тарбият қилган ҳоконингнинг сўзини олмайин ҳар қаерга кетдинг,

Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-8

у ерларда ғойиб бўлдинг. Ўша ерда қолганинг зўрға кун кўриб юрдинг. Тангри ёрлиқгани учун, истеъдодим, бахтим бор учун мен сизларга ҳокон бўлдим. Ҳокон бўлиб қашшоқ халқни оёққа турғаздим. Қашшоқ элни бой қилдим. Оз халқни кўпайтирдим. Ё бу сўзимда ёлғон борми? Турк беклари, эли, буни эшитинг! Турк халқини тўплаб давлат тутишингизни бу ерда тошга ўйиб ёздим. Адашиб айрилганингни ҳам бу ерда ёздим. Нимаики сўзим бўлса мангу тошга ўйиб ёздим.

Унга қараб билинг, Туркнинг халқи, беклари. Уй, дунёгагина қарайдиган, кўзига фақат мол – мулк кўринадиган беклар, сизлар гумроҳсизлар. Мен мангу тошга ҳаммасини ўйиб ёздим...

Меҳнатни, кучни берувчи шундай ҳокимиятни қозониб Кул Тигин учди!

Тангри яшатувчидир”...

Алп Арслон Туркеш сўзи:

“Турк эли йиқитади, йиқилади, қалқади, тикланади. Турк эли куёш билан тенг яшайди”.

Ўйлайман. Орзиқиб ўйлайман:

Туркистон яхлит бўлади.

Туркистон

Миллий,

Сиёсий,

Иқтисодий,

Ҳарбий ва ўрта турк тили бирлигига эришади.

Бу севинчимни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Дунёнинг бор олтини билан ҳам. Аммо, баъзан, кўнглимнинг олис бир пучмоғида кўрқув ҳам пайдо бўлади. Гўё қоп – қора булутдай.

Мудҳиш кўрқув,

Даҳшатли кўрқув.

Нимага?

Тангри қўллаб қуллик занжирини узсак,

Юрак қонимиз билан,

Жон – танимиз билан,

Ақл – идрокимиз билан,
Ғайрат – кучимиз билан
курашароқ эришганимиз –
Туркистонимиз
қарамсизлиги бошига бизга
қарши, ўзлигимизга қарши турган
ренегетлар чиқиб олса нима бўлади
?

Бошимизга бало ёғилмайдими?

Туркистонимиз яхлитлиги учун
курашган асл ўғул – қизларимиз
Қувғин қилинмайди?
Тупроқ этилмайди?

Ғамга ботаман,
Изтироб чекаман,
Қон ютаман.

Секин – секин ховотирларим
чекинади. Ўрнини ёруғ ўйлар
эгаллайди:

“Йўқ, бундай бўлмайди” дейди
ичимда иккинчи Эврил.

“Ҳар қандай тақдирда ҳам
қарамсизликка ҳеч нарса етмайди”
дейди ичимдан учинчи Эврил.

“Туркистон бир бутунлиги –
энг буюк неъмат” дейди ичимда
тўртинчи Эврил.

Аниқ эслайман, мени бундай
машъум хаёл, ойдин орзулар чулғаб
олган замонда, мен Ўзбекистон
Ёзувчилар Уюшмасига қарашли
Тарғибот Бюро (Бюро Пропаганда)
си бошқони (Директори) эдим.
Унинг ўз муҳр, тамғаси, ўз хизмат
машина (“Волга”)си бўларди.
Бюрода 82 киши ишларди. Яна ҳар
ўлка (Вилоят)да бўлимлари бор
эди. Кўплаб ёзувчи, шоир, олим,
артистлар ундан нон ерди.

КПСС Марказий Кўмитаси бош
қотиби М.С. Горбачев даврида эл
елқасига куёш тегди. Нисбатан.
Қалб, тил, эътқод, виждон
эркинлиги томр ёйди. Нисбатан.
Бунинг натижасида чўлпонлар
тирилди:

Кўркмас,

Қайтмас,

Жаъсур чўлпонлар.

80 йилларда космополитизм
“ғояси” ахлатга отилди. Ўлик
тўнғиз боласидек. Ёш, янги
шоирлар эркин куйлай бошлади.
Янги овоз билан.

Туманларни ёриб,

Бўронларни ёриб,

Тўфонларни ёриб,

Момоқалдиқдек гулдираб,

Тоғ дарёсидек ҳайқириб:

Мен ҳеч кимга бўйсунмасман,

Балки менга бўйсунар қисмат.

Мен сен эккан жойда унмасам,

Ҳенрик Ҳейне сўзи:

Озод ақл, озод қалб билан
Ўсмоқдаки бир янги авлод.
Юртда ана шундай авлод
Етилмоқда эди,

‘Космополитизм –
ватанпарварликни инкор этиш.

Ўсмоқда эди,
Зулумни қақшатиб.

Юртда тафаккур бирлиги, инсон
эркинлиги қанот ёзмақда эди.

Қишанларни парчалаб.

Ўзликларини англай бошлаган
қалбларнинг, яъни кишанланган
қалбларнинг ҳам кишанлари
узулмоқда эди.

Бандларидан ғижирлаб.

Бунда чин ёзар, шоир,
олимларнинг ҳиссалари беқиёс эди.

Уйқудан уйғотувчи,

Ёлғонни фош этгувчи,

Зулумни қоралагувчи

Ҳақиқатни очгувчи,

Олчоқни ер этгувчи,

Эркин тараннум қилгувчи.

Шулар қатори мен ҳам амалий
иш қилиш устида бош қотирардим.

Юқорида айтганимдек, директор
эдим. Ўша саксонинчи йиллари.
Одил Ёқуб

шарофати билан. Ўзбек тилида
иш олиб боришни қатъиян йўлга
қўйдим. Юрт тилини билмаганлар
кетдилар. Бирин – кетин. Мени

Миллатчиликда айблаб,

Устимдан ёзиб, Қарғаб.

Мен уларга бир хил жавоб
қайтарардим:

— Россияда яшаётган ҳар
бир ўзбек русчани билади. Рус
тилида ёзади, ўқийди, иш олиб
боради. Сизлар бундан ибрат
олмайсизларми? Ё ерли тилни
менсимайсизларми? Мен ҳурматга
– ҳурмат билан қарайман.
Ҳурматсизликка ҳурматсизлик
билан...

Уларнинг ичида ашаддий
шовинистлари, ўриспарастилари
бор эди. Ҳамон эсимда. Сарик
сочли бир жувон хонамга мулоим
мушукдек товланиб кирди.

Давлат тили- рус тили- ку,
Мамадали Аҳмедович, — деди
қаршимдаги стулга ўтиргач, момик
қўли билан билагимдан охиста
тутароқ майин овозда. Унинг оч
кўк кўзида шахвоний ҳирсни
туйдим. Шу билан бирга кўз
илғамас нафратни ҳам. Бунинг ўзим
ҳам тушунолмайдиган сезги билан
туйдим. Қўл тафти одамга таъсир
қиладиган даражада баланд эди.
“Бошимга бир бало орттирмай”
деган гап миямни кесиб ўтди.
Сергак тортидим.

(Давоми келгуси сонда)

МХХ раҳбари набираларини мамлакатдан чиқариб юборди

Ўзбекистондаги вазиятни оддий бир физик ходисага қиёсласам. Масалан ичига сув тўлдирилган костреюлни газ плита устига қўйиб олов ёқдик.

Узоқ вақт ҳеч нарса бўлмагандек костреюлкадаги сув сокин тураверади. Ора-сира бир иккита пуфакчалар кўринади. Аммо вақти соати келганда сув шақиллаб қайнашни бошлайди. Бу қайнаш бирдан ва бир лаҳзада содир бўлади...

Энди костреюлкани Ўзбекистон, уни ичидаги сувни ахоли ва

костреюлка тагида ёнаётган оловни Каримов режими дея қарайлик.

Демак, ҳар он қайнаш бошланиши мумкин.

Хулоса шуки Ўзбекистондаги бугунги сокинлик алдамчи.

Биз буюк қайнаш арафасидамиз.

P.S. Дарвоқе, бундай оқибатни Миллий Хавфсизлик Хизмати раҳбари билади шекилли, балодан нари, дея набираларини мамлакатдан чиқариб юборди.

Шухрат Бобожон

Озодлик радиоси ходими

29.07.2015, Прага

Ҳуқуқ фаолининг ҳимояси учун



Куни кеча Ўзбекистон маҳкамаси БМТга, Халқаро ташкилотларга, давлатнинг юқори идораларига 2500 дан ортук шикоят аризалар йўллаган ҳуқуқ фаоли Шухрат Рустамовни “Муомалага лаёқатсиз” деб топди. Табиийки, бу ҳолатни ҳеч бир иккиланмай Ўзбекистон ҳукуматининг ҳуқуқ фаоли Рустамовга суд орқали қўллаётган босими дейиш мумкин.

Ўзбекистон ҳукумати амалдорларининг кирдикорларини фош этиб, улар устидан жиноят иши қўзғатиш масаласини кўтариб чиққан Рустамов “ақлдан озиб қолган”га чиқарилди.

Ўзбекистоннинг қонун идоралари эл-юртининг хурлиги, хуррамлиги учун куйиб-пишаётган бир фуқарони айбсиз айбдор қилишга зўр бериб чиранаётган бир пайтда мамлакатнинг виждонли аҳолиси сукут сақлаб турмаслиги, лоқайд бўлмаслиги керак.

Барча бир ёқадан бош чиқариб, Ш. Рустамовнинг бошига ҳукумат томонидан ёғдирилаётган кулфатларни даф

қилишга киришиши лозим, токи бунингдек офат эртага ўзга бир юртдошимизнинг ҳам ошига оғу солмасин.

Ҳуқуқ фаоли Шухрат Рустамов билан боғлиқ муаммо ечимини ҳар бир фуқаро ўз билганича топишга уринади. Рустамовга суд орқали ғоят улкан руҳий босим бўлаётган айти бир пайтда, унга биринчилардан бўлиб маънавий-руҳий далда бўлишга, қўллашга, кўмак қўлини чўзишга шошилган маслакдошларидан бири жиззахлик фермер Аликул Саримсоқов бўлди.

А. Саримсоқов Рустамовни ҳимоя қилиш учун кўча юришлари, намойишлар ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

У ана шу мақсадда элдошларига мурожаат қилади.

Фермернинг куйинганича бор: у амалдаги режимнинг навбатдаги қурбонларидан бири. Яқингинада Ички ишлар идораларининг ташаббуси билан Саримсоқов мажбурий тарзда руҳий касалликлар шифохонасига ётқизилган жабирдийдалардан ҳисобланади.

“Бошидан ўтганнинг қошидан ўтма” деганларидек, айти дамда уюштириш, босим ўтказиш, маломат ва тухмат ортидан айбсиз айбдорга – сунъий равишда қонун қўли ила руҳий касалга айланттирилган Саримсоқовчалик маслакдоши Рустамовни тушунадиган, дардини, кулфатини ҳис қиладиган одам бўлмаса керак.

Жиззахлик фермер, ҳуқуқ фаоли Аликул Саримсоқовнинг мурожаати таҳрирсиз берилмоқда.

ЎХХ ахборот бўлими

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Қорасувлик имом Рашод Камоловга қўйилаётган халифалик тузишга чақирганлик айбловига асос бўлган унинг маърузаси ёзилган DVD диск қорасувлик бошқа бир диндор, “Ҳизб ут-Тахрир” гуруҳига оид адабиётларни сақлаганликда гумонланиб қўлга олинган Дилёр Жумабоев хонадонидан топилган

Имом Рашод Камолов «халифалик тўғрисидаги сўзларим контекстан юлиб олинган»

дисклар орасида ҳам бўлган. Бирок Дилёр Жумабоев иши юзасидан текширилган материаллар, жумладан Рашод Камолов маърузаси ёзилган диск ҳам ноқонуний деб топилмаган. Шу сабабли Камолов ўзига нисбатан айбловни сиёсий буюртма, дея баҳоламоқда.

Ўшвилояти Қорасув туманидаги “Ас Сараҳсий” масжиди собиқ имоми Рашод Камолов устидан бораётган судда имомга нисбатан “экстремизмга даъват қилганлик”, “халифалик тузишга ҳаракат қилганлик” айби қўйилмоқда.

Камоловга кўра, унинг қўлга олинишига ўзининг маърузаси ёзилган DVD диск сабаб бўлган. Имомнинг иддао қилишича, терговчилар дискда ёзилган маърузанининг бир қисмини қирқиб олган ва маърузанинг мазмуни бузиб талқин қилинган.

Қорасув туман судида 23 июлдан бери давом этаётган маҳкамада Камолов ўзига қўйилаётган айбловларни сиёсий буюртма, дея баҳолаб суддан дисклардаги ёзувни тўлалигича кўришни талаб қилмоқда.

— Менга нисбатан “халифаликка чақирган”, деган моддани қўйишмоқда. Лекин мен маърузамда бутун дунёга муаммо бўлаётган ИШИДнинг халифалиги нотўғри эканини айтганман. Дискдаги бутун маърузамда бу халифалик хато, йигитлар кетмаганлар деган сўзларим бор. Шу сабабли дискни тўлалигича кўришинларни сўрайман. 10чи бўлим такдим этган дискда 17 минутлик маърузанинг 3 минутигина олинган, қолгани

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

кесиб ташлаган. Мен буни сиёсий бюртма сифатида баҳолайман,- деди Рашод Камолов 28 июль кунги суд мажлисида.

Камоловнинг адвокатларига кўра, имом маърузаси ёзилган дисклар 2014 йилнинг 13 сентябрь куни “Ҳизб ут-Таҳрир” гуруҳига оид адабиётларни сақлаганликда гумонланиб, кўлга олинган Дилёр Жумабоев хонадонидан ҳам топилган. Бироқ Дилёр Жумабоев ишида бу дисклар ноқонуний деб топилмаган. Адвокат Валериан Вахитов гапирди:

— Рашод Камоловнинг “халифалик тузишга ҳаракат қилган” дейилаётган дискини теолог экспертлар текшириб, ҳеч нарса йўқ деб хулоса берган. Миллий хавфсизлик хизмати ходими Жетигенов эса дискларни “ҳеч нарса йўқ”, деган тилхат билан Жумабоев яқинларига қайтариб берган,- дейди адвокат Валериан Вахитов.

Шу йилнинг 4 август кунига белгиланган навбатдаги маҳкамада Камолов маърузаси тўлалигича суд ҳукмига ҳавол қилиниши кутилмоқда.

Таниқли имом, этник ўзбек 37 ёшли Рашод Камолов шу йилнинг 9 февраль куни “экстремизмга даъват қилганлик”, “халифалик тузишга ҳаракат қилганлик” да айбланиб, ҳибсга олинган.

Камолов устидан суд олди тергови давомида ашъвий далиллар сифтида олинган олинган материалларни Қирғизистон Дин ишлари бўйича давлат комиссияси берган теологик экспертизадан ўтказиб, “экстремистик”, дея хулоса берган.

Қарийб ярим йилдан бери ҳибсда сақланаётган қорасувлик имом Рашод Камолов ва диндор Дилёр Жумабоевнинг адвокатлари давлат комиссиясининг жиноят терговида ашъвий далиллар юзасидан экспертиза ўтказиши амалдаги қонунчиликка зид эканини айтиб, норозилик билдиришган.

Лекин давлат комиссияси вакиллари Қирғизистон президентининг махсус кўрсатмасига кўра, суд учун экспертиза хулосаларини бериш ваколатлари борлигини айтишмоқда.

Манба: ozodlik

Озгина ғазабдан... Ҳаммага маълум бўлган ва ҳаммининг кўз ўнгида бўлиб ўтадиган аҳмоқчилик, нодончилик ва бемазалик ҳар сафар каминани чексиз ғазабга солади, асабийлаштиради...

Буни ҳамма биледи-ку деб ёзмас ва гапирмас эдим. Аммо ҳозир ёзишга қарор қилдим.



Озгина ғазабдан

1-август Ўзбекистонда олий ўқув юртиларига кириш учун имтиҳон топшириладиган кун.

Тан олиш керак, кўплаб йигит ва қизлар жон куйдириб бу кун учун тайёрланадилар, мактаб ва лицей, коллежларида ўқимаган дарсликларини бир репититорга пул тўлаб ўқиб чиқадилар. Тестларни ёд оладилар. Мақсад — талаба бўлиш. Энг ачинарлиси, аксарият ҳолатларда талаба бўлишнинг ўзигина мақсад, холос...

Имтиҳон куни бўладиган текширувлардан юрак ортга тортади. Текширувчилар тит-птингизни чиқариб юборадилар. Бу ёқда эса огоҳлантиришлар... Аммо аудиторияга киргач, орадан узоғи бир соат ўтгач, бозор бошланади, кимдир «шпора» варақлаган, кимдир телефонга ёпишган... Шу ҳол то соат бир ярим ёки иккигача давом этади. 1-август куни ғирромчилик ва ҳаром иш йўлида амалга ошириладиган тадбирлар:

1. Тестларни телефон орқали ечадилар.

2. Тестларни «шпаргалка» орқали ечадилар.

3. Тестларни олиб чиқиб, «бункер»ларга ечтирадилар.

4. Тестларни абитуриент билан бирга кирган «калла»лар ечадилар.

Ўша куни кўпчилик иймон ва виждон либосини ечади.

ТВда кўрсатувлар, ОАВда турли чиқишлар, аммо ҳар йили ахвол шу. Бу нимани билдиради?

1. Ёшларимизнинг кўпчилиги қўйга ўхшаб фикрлайди. Биров қилган ишга эргашади. Камдан-кам йигит-қизлар имтиҳон аудиториясидаги ноҳақлик учун курашишлари мумкин.

2. Ота-оналарнинг маънавияти паст, фикрлаши йўқ.

3. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги виждонини «еган».

4. Баъзи ҳолларда қаерлардадир коррупция амалга оширилади.

1-август куни бўладиган аҳмоқона ишларга бир киши, бир неча киши эмас, бутун жамият айбдор. Чунки бизнинг, бутун бошли жамиятнинг, олимларнинг, раҳбарларнинг, катта-катта ташкилотларнинг — халқнинг кучи шу кунги имтиҳонни тартибли ўтказиш учун етмаяпти.

Кунчиқардан келган қариларнинг имтиҳон ўтказганини қаранг! Инҳани айтаман. Ёки Сингапурнинг Тошкентдаги институти-чи?

Аммо бизда ҳозир коллеж ва лицейларга ҳам кириш учун пора беришаётган эмишлар...

Ўзим 2011 йил ЎЗМУга кирган эдим. 4-йил. Чунки 3 йил давомида билимим етмаган, сабаби бирор марта ҳам телефон ва шпаргалка ишлатмадим. 4-йили эса — 2011 йил Худонинг июноти билан 174 балл билан шартнома асосида талаба бўлдим.

Аммо қинғир йўл билан эмас. Бизнинг имтиҳон бўлган аудиторияда ким телефон ишлатса, ҳаммасини олдириб ташлаган эдим. Назоратчиларга ҳам зуғум қилиб, устларингдан шикоят қиламан деганман. Ўшанда ўша аудиторияда имтиҳон ҳалол бўлган эди, менимча. Ўша аудиториядан икки киши талаба бўлган экан...

Ҳаммага айтаман: университетларга нолайиқлар кириб талаба бўлиб қолишяпти. Улар талаба бўлгандан кейин ҳам ўқимаяптилар. Битириб чиққач, борган жойида сифатсиз ва ҳасадгўй мутахассис бўлиб ишлаб, юртимиз тараққийотининг душмани бўлмоқдалар. Яна нолиб қўямиз...

Эй халқ! Бошингга нима келса ўзинг айбдор!

Ўзбекистон жамиятининг кучи 1-август имтиҳонларини тартибга солишга етмас экан, бошқа камчиликлар ҳақида шикоят қилмай тилингни тишлаб ўтирганинг минг марта яхши!

Ақром Абдулхамид Малик

(Давоми: Боши олдинги сонда)

14 ноябрь

Кўзимни очганимда, уч ҳамтовоқ стол атрофида ўтирганча, бамайлахотир нонушта қилишар, аҳён-аҳёнда мен томон кўз ташлаб кўйишарди.

— Тун бўйи шу кўйи ётибман шекилли. — ўйладим мен лўқиллаб оғриётган бошимни чангаллаб секин ўрнимдан кўзгаларканман. — Майли, ҳозир буларга қандай уришни кўрсатиб кўяман!.. ҳали менинг кимлигимни билишмас экан.

— У, “хоним” уйғондилар-ку! — бақирди чандиқли маҳбус.

Қолганлари бу гапдан ҳузур қилиб кулишди. Мен бўлсам, ўрнимдан туриб, бир-икки силкиниб ўзимни унглаган бўлдим-да, уларнинг тепасида ҳозир бўлдим.

— Вей, ҳезалақ, шимингдаги қонни артиб олсанг-чи! — дея бақирди озғин, қиррабурун маҳбус. — Аёл бўлганингдаям фирт фаросатсиз бўларкансан-да ўзинг!..

Секин эгилиб шимимни кўздан кечирдим. ҳақиқатан, ўнг оёғимда қон излари қолиб кетганди.

— Лекин... ҳушингдан кетганинг жа иш берди-да!.. — ҳиринглади паст бўйлиси. — Уччаламизни навбати билан кайф қилдирдинг!.. Ана энди... Узинга кеп қолган бўлсанг, бир ҳожатхонани тозалаб юбор-чи, жонидан!..

— Тўхта, Жора, олдин акасининг оёғини уқалаб кўйсин! — луқма ташлади қиррабурун.

— Э, бу нима деганларинг? — орага қўшилди учинчи маҳбус. — Яна бир мартадан маза қилайлик!.. Бадан қизиб кетаяпти, ахир!..

— Сен ифлослар кимни ҳақорат қилаяпсан! — мен биринчи бўлиб паст бўйлига бўйни аралаш мушт туширдим.

У ўрнимдан туришга-да улгурмай, худди йўтал тутган одам каби ўтирган жойида силкина бошлади.

Иккинчи зарбани чандиқли маҳбусга йўлладим. Кутилмаган оёқ зарбамдан чандиқли орқага ағанади. Қиррабурунга эса икки марта тирсаклашим кифоя қилди. Оғзи-бурни қонга бўялган маҳбус ғужанак бўлиб олганча полда типирчилай бошлади.

Мен бу зарбаларни шу қадар тез йўлладимки, маҳбуслар бақир-чақир қилишга фурсат топа олмай қолишганди.

Уччаласига яна бир-икки тепкидан “ҳадя” қилиб “ўчир”гач, ўзим назоратчини камерага чорладим.

— Уҳ-ҳў, зўрсан-ку! — кириб келган назоратчи полда думалаб ётган уч маҳбусга кўзи тушгач, бош чайқай-чайқай, ортга тисланди. — Сен шу ерда қимирламай ўтир! Мен ҳозир майорни чақираман!



Зулматдаги умр-6

Пайқадимки, у навбатчилик қисми бошлиғи Василий Ивановичи назарда тутди.

— Яна карцерга тушарканман-да! — кўнглимдан кечирдим мен. — Қандай кунларга қолдим ўзи? Наҳотки, бир умр азобда яшасам? Қачон одамларга ўхшаб мен ҳам озодликда юраман? Қачон бемалол оёғимни узатиб ўз уйимда ухлайман?..

Адашмагандим. Кўз очиб юмгунча камерага назоратчини эргаштириб майор кириб келди. У афтини бужмайтирганча бир беҳуш ётган маҳбусларга, бир менга назар ташлаб олди. Шу аснода назоратчи майорнинг қулоғига нимадир дея пичирлади.

Икковлашиб овозсиз кулиб олишгач, майор мен томон юзланди. — Хўш, ёқдим сенга бу камера? — сўради у жиддий тортиб.

— Камеранинг яхши, ёмони бўлмайди. — жавоб қилдим хотиржамлик билан.

— Шунақами?.. Яхши. Сени эски жойингга олиб киришади. Қани, кўрамиз ўшанда!

Майор ортига ўгирилиб, назоратчига буурди:

— Олиб кет буни! Манавиларни карцерга қамаб кўй, тезроқ ўзига келади!..

Мен майорнинг бу гапидан сўнг анча енгил тортгандек эдим. ҳарқалай, Матвей, Арсен ва Тимофейларнинг камераси тинч. Қолаверса, улар менинг бошимдан ўтган ишлардан хабар топишгандир. Барибир ҳурматимни жойига қўймасдан иложлари йўқ.

Назоратчи камерани очди. Мен бошимни мағрур кўтариб ичкарига кирдим.

Негадир камерада қария кўринмас, Арсен ва Матвейлар қарта ўйнаш билан банд, Тимофей қаравотда ётганча уларнинг ўйинини кўзатарди.

Мени кўргач, биринчи бўлиб Арсен ўрнимдан турди.

— Сен?.. — менга яқин келди-да, икки қўлини белига тираб сўради у.

— Нега сени бу ерга олиб киришди?

— Арсен! — дея кўришиш ниятида қўл чўздим. — Салом!

Афсуски, қўлим ҳавода муаллақ қолиб Арсен ортга сурилди.

— Қўлингни тушириб ол! — деди у дўқ аралаш. — Кимлигингни биласанми ўзи?

— Бу нима деганинг? — ҳайрон бўлиб қолганларга бир-бир қараб олдим мен. — Кимлигимни яхши билардинг-ку! Ё унутдингми?

— Йўқ, сен илгариги Мурод эмассан энди! — кутилмаганда даст ўрнимдан туриб бизга яқинлашди Тимофей. — Эркакларни шарманда қилган бир хунасан!

— Нима?.. — бу гапни эшитиб юзимдан қон қочди. Тимофейни уришга чоғландим. Лекин Арсен билагимдан тутиб тўхтатди.

— Сен кўпам чиранаверма! — деди у ҳийла овозини пасайтириб.

— Сендақаларнинг кўпини кўрганмиз. Истасақ, шу кеча ўлигингни олиб кетишади. Ундан кўра, хунасагингни бўйингга олда, айтганимизни қил!..

— Шунақами? ҳозир... Кўрсатиб кўяман!..

Мен Арсенинг қорнига муштладим. Кетидан Тимофейга ташланиб, уни полга маҳкам босиб олдим ва бўға бошладим...

Яна омад мендан юз ўгирди. Орқадан Арсен тепамизга келиб, мени қандайдир хода билан белим аралаш тўхтовсиз савалай бошлади.

Хода бошимга ҳам бир неча марта текканди. ҳаммаёғим қонга беланди. Билагимдан куч кетиб, бўшаганча чўзилиб қолдим. Арсен эса ҳамон калтаклашда давом этар, ҳеч ким уни тўхтатишга шошилмасди...

— Хўш, тирикмисан? — орадан қанча вақт ўтганини билмайман. Кўзимни очганимда тепамда Арсен турарди.

— Сенга нима? — дедим алам билан унинг кўзларига боқиб. — Қоч рўпарамдан ифлос!

— Ие, Арсен, нима деяпти бу? — шу чоққача аралашмаган Матвей ўтирган еридан сакраб турди-да, арманининг қаршисида ҳозир бўлди.

— Вей, ифлос деб ҳақорат қилсаям индамай қараб турибсанми? Рухсат бер, бунинг абжағини чиқарай!

— Йўқ, ўлдириб кўясан. — деди Арсен лабларини асабий тишлаб. — ҳозир ўрнимдан туриб

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

камерани тозалайди. Ундан кейин ҳожатхонани совунлаб ювади.

— Овора бўласан. — мен базўр ўрнимдан қўзғалиб ўтириб олдим. — Сенларга малайлик қиладиган аҳмоқ ҳали туғилмаган.

— Тур, итдан тарқаган! — Матвей оёғини аралаш тепмоққа шайланди. Кўтарилган оёғини ушлаб қолдим. У чалқанча полга қулади.

Ана энди жим ўтиришга фурсат йўқ эди. Тишимни тишимга босиб ўрнимдан турдим-да, қўлимга стол устидаги темир косани олдим.

— Қани, энди битта-биттадан келавер!..

Бу гал ростакамига муштлаш бошланди. Фақат Тимофей аралашмас, каравотга ястаниб олганча мен калтаклаётган икки маҳбусни кузатарди.

— Нима шовқин? Нима бўлди?..

Тўсатдан камера эшиги шарақлаб очилиб, майор, кетидан икки соқчи кириб келишди.

Бу лаҳзада Арсен бир бурчакда ёрилган бошини чангаллаганча ўзича нималардир деб ғўлдираар, Матвей қорни аралаш келиб тушган тўхтавсиз зарбалар туфайлими, зўрға-зўрға нафас оларди.

Уччаламиз ҳам соқчиларнинг чарм таёқлари ёмғири остида қолдик. ҳаш-паш дегунча улар мени деворга тираб, қўлларимни кишанлашди.

— Буни стаканга ташла! — буюрди майор совуққонлик билан. — Жонга тегиб кетди ярамас! Беш соатдан кам ўтирмасин!

— Хўп бўлади, ўртоқ майор! — соқчилар қаддиларини ғоз тутганча майорга жавоб бериб, мени ташқарига судраклашди.

Бу буйруқ нақ юрак-юрагимни тешиб ўтгудек бўлди. Эндигина йўталиш пасанда бўла бошлаган бир пайтда қайтадан “стакан” балоси бошимга ёғилмоқда. Эртага ҳолим не кечади? Тагин ўпкамнинг шамоллаши қайталанари. Дўзах азобини торта бошлайман.

— Худойим, — хаёлан илтижо қилиб борардим мен. — неки азобинг бўлса, ҳаммасига розиман! Фақат мени шу балога гирифтор этмагин!..

Тиббий муолажалар хонаси эшигига етиб қолаёзгандик. Буёғи “стакан”гача деярли бир қадам. ҳов анави бурчакдаги темир эшикни очса, бас... Шу тобда тиббий муолажалар хонаси эшиги очилиб... Мен учун жуда қадрдон, суюкли инсон... Елена чиқиб келди...

— ҳа, у мени кўрди... ва бирдан тўхтаб, яқин келишимизни кута бошлади.

Кўз кўзга тушди. Юрагим қинидан чиққудек типирчилар, тилим ҳатто салом беришга айланмасди.

— Мурод?.. — хайриятки, Еленанинг ўзи биринчи бўлиб сўз қотди. — Тузукмисиз?.. қ-қаерга олиб кетишяпти сизни?..

— Кечирасиз, тўхташга ҳаққимиз йўқ! — деди соқчилардан бири Еленанинг сўзини бўлиб. — Буни зудлик билан “стакан”га ташлашимиз керак!

— Нима? Қанақа стакан? Ақлинг жойидами?.. Маҳбус муолажа олиши керак!.. Аҳволини қара!..

— Василий Ивановичнинг буйруғи! — жавоб қилди соқчи. — Буйруқни адо этишимиз шарт!

— Бекорларни айтибсан! — деди Елена мени қўлтиғимдан олиб. — Қани, кишанни еч!

— ҳаққим йўқ!

— Еч дедим сенга! Ўзим жавоб бераман!

— Майли! — соқчи истар-истамас

Зулматдаги умр-6

кишанни ечиб ортга сурилди. — Агар бирор гап бўлса...

— Буёғи билан ишларинг бўлмасин! Бор постингга!

— Хўп бўлади!

ҳайратдан ёқа ушлаёзгандим. Еленанинг турмадаги обрўси шу қадар баланди?.. Қандай бахт!..

— Юринг, тез каравотга ётинг! — дея мени муолажалар хонаси томон бошлади у. — Булар нақ ҳайвоннинг ўзи. Яхшиям чиқиб қолдим. Бўлмаса, ўлдириб юборишдан ҳам тойишмайди сурбетлар!..

Очиғи, Еленага итоат этиб, юрагимни баттар қўрқув қамраб олганди.

ҳали замон майорнинг бу хонага бостириб киришидан, мени судраклагани етмай, Еленани ҳам турма бошлиғига қақишидан чўчирдим.

Шу кўйи икки-уч соатча ётдим. Лекин ҳеч кимдан дарак бўлмади. Елена хотиржамлик билан шприцларни қайнатар, гоҳи-гоҳида мен томон кўз ташлаб жилмайиб кўярди.

Жилмайиши ўзига шунчалар ярашиб тушардики, охири шунчаки қараб ётишга бардошим етмади.

— Сизга бир гап айтсам майлими? — сўрадим эҳтиёткорлик билан.

— Сўрайверинг! — деди Елена дориларни саралашда давом этаркан. — Нега жим бўлиб қолдингиз?

— Елена... Мен сизни яхши кўраман!

— Нима?..

Елена шундай деганча ўрnidан туриб кетди.

— Ахир... ҳаммасини биласиз-ку! Яхши кўришимни биласиз-ку!..

У қаршимга келиб каравотнинг

бир четига ўтирди-да, билагимдан тутди.

— Қўйинг, ҳозир бу гапларнинг мавриди эмас. — деди жиддий оҳангда. — Шундоқ ҳам мени деб анча жабр тортдингиз.

— Сиз учун тоғни толқон қилишгаям тайёрман!.. Бу азоблар нима бўпти?..

— Мурод, сиз қочишингиз керак!

— Қочиш?.. қ-қаерга?.. Нимага?..

— Ишонинг, сизга ёрдам бермоқчиман! Акс ҳолда сизни бу ердагилар ўлдириб юборишади. Тушунсангиз-чи, мен ҳаммасини эшитдим. Бошингиздан нима ишлар ўтганидан аллақачон хабар топганман. Шунинг учун ҳам эримнинг маросимлари ўтишини кутиб ўтирмай, ишга чиқиб кетдим...

— Қ-қандай қилиб қочаман?..

Эрта-индин суд бўлиши керак-ку!

— Буёғини менга қўйиб беринг.

— деди Елена овозини пасайтириб. — ҳаммасини ўзим ташкил қилиб бераман.

— Сиз-чи?.. Кейин сизни кўролмаймамми?..

— Ундай деманг. Мени бошингизга урасизми? ҳали ёшсиз, ўзингизга мос қизни албатта учратасиз.

— Менга бошқасининг кераги йўқ.

— Бўпти, бу ҳақда кейин гаплашамиз. ҳозир ўзингизни руҳан тайёрланг. Қўрқманг, ҳаммаси яхши бўлади!

— Башарти қўлга тушиб қолсам-чи?

— Худо хоҳласа, қўлга тушмайсиз. Мен айтгандек иш тутсангиз, қутулиб кетасиз. Қани, энди ётиб ухланг!.. Ярим тунда уйғотаман.

Хона чироғи ўчирилгандан кейин ҳам анча вақтгача Еленанинг кириб-чиқишларини зимдан кузатиб ётдим. Бу аёлнинг қадам ташлашидан тортиб, нафас олишигача мени ҳаяжонга солар, нимадир дейишдан зўрға ўзимни тиярдим.

Иўқ, охири тинчлантирувчи дорилар таъсир қилди. Мен ухлаб қолдим. Бироқ бу воқеа тушимда рўй бердими, ё ўнгимдами, идрок эта олмадим.

Сезиб турардимки, Елена қайсидир хонага кирди. Негадир юрагим ғаш тортиб, ортидан юрдим.

Ажабланарлиси, бир четда ўтириб, компьютерда нималарнидир ёзаётган қиз ҳам индамади.

Оёқ учиди юриб бориб чарм қопланган эшикни ўзимга тортдим.

Не кўз билан кўрайки, ичкаридаги юмшоқ курсида турма бошлиғи, унинг тиззасида эса ярим яланғоч Елена ўтирарди. Суюклигим нуқул турма бошлиғига эркаланиб,

ҳиринг-ҳиринг куларди.

(Давоми келгуси сонда)

Аслида, бу долзарб бир мавзу эмас.

Каримов режимининг ёлланган «аскарлари» сўнги кунларда сайтимизни баҳона қилиб, Ҳаракатга ва унинг раҳбарига хуружлар уюштириш бошлади, шу боис, бу эски сийқаси чиққан мавзунини яна бир бора тилга олишга мажбур бўлаётганимиз учун хурматли ўқувчимиздан узр сўраймиз. Бу хуружларни уюштираётганларнинг энг жини кўзигани бугун «Дунё ўзбеклари» сайти ва албатта уни юритаётган шахс бўлиб қолди.

Бизга бу хуружларга жавоб ёзиш учун биринчи туртки «Дунё ўзбеклари» сайтидаги Неъмат Акбаров деган шахснинг бизни, бизнигина эмас, бунга ҳеч алоқаси бўлмаган Муҳаммад Солиҳни ҳам «кўчирмачилик»да айблаган «мақоласи» бўлди.

Қизиғи шундаки, Хуршид Даврон ўзининг хос веб саҳифасида «Неъмат Акбаров» деган шахснинг бор йўқлиги номаълум деб ёзган эди бир пайтлар.

Қуйидаги мактуб гарчанд бир кишининг номига ёзилган бўлса ҳам, аслида у қийин шароитларда Каримов режимига қарши баҳоли қудрат кураш олиб бораётган нашрлар ва шахсларнинг оёғидан чалиб, қаттол режимга ёрдам бераётган кимсаларнинг барчасига қаратилгандир:

«Ўртоқ Исмаи Хушев!

Бизда ҳеч нарса сиз ўйлаётганингиздек ёки ёзаётганингиздек эмас. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. «Дунё ўзбеклари» сайтига Муҳаммад Солиҳ кирмайди ҳам, уни ўқимайди ҳам, демак сизнинг сайтдан бирор бир мақолани ҳам «кўчириши» мумкин эмас. Унга баъзи материалларни биз беришимиз мумкин. Бу дегани, «Дунё ўзбеклари»даги босилаётган нарсалар ҳеч нарсага ярамайди, бизники зўр деган маънони аниқлашмайди. Бу Муҳаммад Солиҳ ва ЎХХ фаолларининг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари ва турмуш-тарзи, сизники билан бир-бирига мос тушмайди, дегани.

Албатта, ҳар ерда бўлгани каби сизнинг сайтингизда ҳам нормал инсонларнинг ёзганлари чоп этилиб туради, хусусан, сиз байналминал радио ва нашрлардан кўчириб олган матнларингиз.

Сиз билан ҳашаки жанжал қилиш ниятидан йироқмиз. Сиз

Яна муҳолиф сайтлар рейтингига ҳақида

каби ёлғонни дўндирмасдан, шаллақилик, ҳақорат қилмасдан ҳужжатлар асосида, ҳар бир сўзимизни асослаб, гаплашамиз.

Сиз Ўзбекистон келажагини, Каримов тимсолисиз тасаввур қилишдан маҳрум бир кимсасиз. Унинг билан бўлган кунларингизни ёзганларингизда очикчасига кўмсаб, росткамига фироқ тиғи билан юрак-бағрингизни тилка-пора қиласиз. Халққа бўлган муҳаббатингиз қанчалар сохта бўлса, Каримовга бўлган муҳаббатингиз, шунчалар самимийдир. Ҳатто, ўтмишингизни ва яшаб турган кунингизни, «муस्ताқил қарашлар»ингизни ҳам унинг фаолиятисиз тасаввур қилишга ожизсиз. Бир вақтнинг ўзида ҳам Раҳмонга, ҳам шайтонга хизмат қилиш учун энг шимарганингизни ҳеч кимдан яширмайсиз, бу сизнинг ишингиз, албатта.

Муҳаммад Солиҳ ва ЎХХ фаоллари Каримов тимсолида разолатни ва давлатнинг инқирозини кўради. Уни, сиз талқин қилганингиздек, «муҳолиф» эмас, ўзларининг, дин ва миллатнинг душмани, деб ҳисоблайдилар. (Муҳолиф деб, бир маслак йўлида турли йўллар билан мақсад сари мусобақалашган гуруҳларга, қабул қилинган қонунлар доирасидан чиқмаган ҳолда, бир-бирларига танқидий қарашларини баён қилган кимсаларнинг беғараз курашига айтилади). Яна Муҳаммад Солиҳ ва Ҳаракат фаоллари қонхўр Каримовни кейинги чорак асрдаги миллат бошига тушган бутун кўргуликларнинг сабабчиси ҳам деб биладилар.

Аслида қарашлар одоб-ахлоқ доирасидан чиқмаган ҳолда, шунақа турли-турли бўлиши керак. Шундай бўлиши лозим бўлганда эди, Аллоҳ бандаларининг орасига шайтонни кўшиб қўймади. Жамиятда фикрлар ранг-баранг бўлса ва фуқаролар унга тоқат қилсаларгина, мамлакатда тараққиёт юз беради, миллатнинг елкасига офтоб тегади. Аммо шаллақилик билан очик фикрнинг фарқига бормасак, барчаси тескари натижалар беради. Бир-биримизга тоқатсиз бўлсак, дунёда итнинг кейинги оёғи бўлиб юраверамиз.

Бугун бу ҳолатни, мустабид Каримов тимсолида бутун дунё кўриб турибди.

Баъзан, жуда кам ҳолларда «Дунё ўзбеклари»да миллат ҳаёти учун фойдали бирор мақола босиладиган бўлса, албатта биз уни олиб, ўзимизда босамиз. Бу сиз дағдаға қилаётгандек «кўчирмачилик» эмас. Миллатнинг манфаатлари бор жойда, бизларнинг ҳам, Муҳаммад Солиҳнинг ҳам манфаатлари орқага чекинади. Бу табиий ҳол. Сизларнинг ҳам асл нарсаларни бошқа сайтлардан олиб, ўзларингизда босаётганларингиз «кўчирмачилик»ка кирмайди.

Сиз биринчи марта Муҳаммад Солиҳни, «Дунё ўзбеклари» рейтингини атай тушириб кўрсатяпти», деб ёзғирганингизда, биз сайтимизда эълон қилган рейтинглар даражасидан ҳам, унга қарши ёзилган ўша сизнинг мақоладан ҳам унинг хабари бўлмаган. Билиб билмаганга олманг, сайтни Муҳаммад Солиҳ эмас, биз юритаемиз. Кеча ва бугун сайтингизда аюханнос солган «хурмача» «асар»ларингиздан ҳам, биз огоҳлантирмасак, ҳалигача у хабар топмаган бўларди.

Яна такрорлайман: ЎХХ сайтининг масули Муҳаммад Солиҳ эмас, мен бўламан. Муҳаммад Солиҳ ЎХХнинг лидери ва ғоявий раҳбари. Сайт бошқа ўнлаб соҳалар каби ЎХХнинг бир тизими холос. Уни, ҳаракат учун тўрт ёки бешинчи даражали, десам, балким ишонмасиз. Балки, шу нарсаларни яхши билганингиз учун ҳам, бир неча сохта номлар остида бизга ҳужумлар уюштиргандирсиз. Сабабини, ҳаммадан ҳам кўра, ўзингиз яхшироқ биласиз.

Муҳаммад Солиҳнинг зиммасида, сиз ҳаёлингизга ҳам келтиролмайдиган муҳим ишлар қалашиб ётибди. Бу ишларни реклама қилиш одати унда йўқ, у ҳамма ишини ташлаб, сайтнинг бошида ўтира олмайди. Аммо, биз бутун сиёсий масалаларда унинг билан маслаҳатлашиб, сўнгра иш кўраемиз, албатта, у сайтнинг ғоявий назоратини ҳеч қачон назаридан қочирмайди.

Мен касб-кор эҳтиёжи нуқтаи назаридан имкон қадар ҳар битта ўзбекча сайтга киришга ҳаракат қиламан ва Муҳаммад Солиҳ учун муҳим туюлган маълумотларни, унинг эл.почтасига ташлаб қўяман. Уларни ўқиш ёки

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ўқимаслик унинг иши. У сизнинг сўнги «иғволарингиз» хусусида эшитганда ҳам, «у бола ўзи нима истайди», дея хафа бўлди. Шунинг бараборида, сизнинг ҳақингизда сайтда бир қатор ҳам нарса эълон қилмаслигимиз, умуман сизнинг «маломатларингизга» буткул жавоб бермаслигимизни таъкидлади. Аммо, мен бу ҳақда сайтимизга келиб тушган бир шарҳни эълон қилдим. (Унинг тагида сизга қарши ёзилган кескин шарҳларнинг баъзиларини Мухаммад Солиҳ талаби билан олиб ташлашга мажбур бўлдик).

Ҳозир ҳам, мен Мухаммад Солиҳнинг истаги билан эмас, ўз ирода билан сизга мактуб битяпман. Чунки сиз Ўзбекистон ҳукумати йигирма йилдан буён айтавериб чарчаган Мухаммад Солиҳ ҳақидаги эски кўшиқни қайта бошдан куйлашни бошлаяпсиз. Бу нарсанинг ҳеч кимга қизиғи йўқлигини яхши биласиз. Қолаверса, бу нарсаларни йигирма йил мобайнида эшитавериб, безор бўлган одамлар энди бунга ишонмайдилар.

Сизнинг ёзишингизга қарши эмасмиз. Иложи бўлса, Мухаммад Солиҳ ҳақида янги бир нарса ёзинг, МХХнинг алмисокдан қолган ноғарасини чалманг, буни ҳеч ким эшитмайди.

Агар сиз одамларга таъсир кўрсатмоқчи бўлсангиз, чин маънода шон-шухрат қозонмоқчи, машхурликни истасангиз, биринчи навбатда ёлғонга одамларни ишонтираман деган телба орзудан тийилишингиз керак. Одамларни аҳмоқ деб ўйламаслигингиз лозим, мен нима деб валдирасам, одамлар оғзини очиб, изимдан кетаверади деган калтабин тушунчадан воз кечишингизга тўғри келади.

Бизга қарши асосли гап топа олмай, валадино «шоир»лардан ёрдам сўраб, уларнинг лўлилар стилида ёзилган мағзава шеърлари билан сайтингизни бўяшдан воз кечишингиз керак.

Бу масалада, устозингиз Каримов фаолияти ва ҳаёт йўли сизга сабоқ бўлиши мумкин. У ёлғон гапириб нимага эришди. Шармандалигу одамларга майна бўлишдан бошқа ҳеч бир нарса орттира олмади.

Ёлғончи ялчимайди, ўғри боймайди, деган халқимизда бир гап бор. Ёлғон шунчалар бир ёмон иллат бўлмаганда эди, Мухаммад (с.а.в), «Ёлғон – барча гуноҳларнинг

онаси», демаган бўларди.

ЎХХ сайти «Дунё ўзбеклари» билан мусобақа қиладиган даражадаги паст савиядаги нашр эмас.

Бизнинг муҳолиф сайтларнинг рейтинг ҳақидаги мақоламизда, факт ва рақамларга асосланган шаклда халқаро рейтингларнинг белгиловчи сайтлари хулосаси эълон қилинди, холос. У мақолада сизнинг сайтдан бошқа яна 4 та веб саҳифа бор эди. Улардан бирортаси биз берган маълумотларга эътироз билдирмади, фақат сиз аюҳаннос солдингиз, чунки улардан фарқли ўларок одамларни «сайтимга фалон одам кирди» деб тинимсиз алдаб келаётган эдингиз!.. Сиз бугун ҳам уялмай нетмай айна ёлғонни кўпира-кўпира давом эттираяпсиз!

Масалан, кеча, 29 июл куни ҳам сизнинг «Дунё ўзбеклари» сайтингизга бор-йўғи 381 та одам кирди. Сиз эса, бу рақамни 10 баравар кўп қилиб кўрсатаяпсиз!

Мен шахсан ўзимнинг камида беш марта кирганимни ҳисоблаб, 381 ни ўртача бешга бўлсам, сайтингизга кирган одамларнинг реал сони келиб чиқади. Шунини ишонч билан сизга айта оламаники, сизнинг «Дунё ўзбеклари» сайтингизга ташкил топган кунидан буён бир кунда ҳеч қачон мингта одам кирмаган. Бу, сиз беорларча ҳақорат қиладиган ЎХХ сайтига ташриф буюрган ўқувчилардан бир неча баробар оз дегани!

Сиз Мухаммад Солиҳ ва ЎХХ сайтидан нимани истаяпсиз, очик айтишга сизда жасорат борми?

Бизнинг фикри ожизимизча, сиз аввал КГБ, кейин унинг асосига тикланган МХХ нинг 25 йилдан бери Миллий Ҳаракатга ва унинг лидерига қарши олиб борилаётган курашда ёлланган қотиллари сафига кўшилдингиз ва буни демократия ва сўз эркинлиги деган йўқ нарсалар билан ниқоблаб, одамларни йўлдан уришга ҳаракат қилаяпсиз.

Сиз Миллий Ҳаракатни парчалаш йўлида ёлланган «тўппонча»лардан биттасисиз холос. Бу хужумларингиз билан динсиз ва иймонсиз Абдурахим Пўлатов ва унинг Тошкентдаги ялоқхўрларидан эстафета таёқчасини олдингиз ва бундан бахтиёр кўринасиз. Сизнинг услубингиз ҳам атеист Пўлатов услубининг айнан ўзгинаси, сиз ҳам Пўлатов каби танқид учун асосли сабаб тополмай, инсонларнинг шахсига, улар учун муқаддас

бўлган оила ҳаётига аралашиб, жирканч тухматлар уйдирасиз, шантаж қиласиз.

Сизнинг яна бир «чекистча» хусусиятингиз, бу одамларни бир-бирига қайраб, уриштириш ва фитна чиқаришдир.

Масалан, Мухаммад Солиҳни Ўзбекистондаги бошқа шоир ва ёзувчиларга қайраб, уйдирмаисмлар билан «мақола» ва «шарҳлар» ёзиб, такрор-такрор сайтингизга кўйишдан чарчамайсиз, уялмайсиз.

Хусусан, Мухаммад Солиҳни Абдулла Ориповнинг душмани қилиб кўрсатиш Хушевга нима учун керак, деб сўрайди одамлар.

Мухаммад Солиҳ адабиёт ҳақда ва шоир ва ёзувчилар ҳақда, жумладан, Абдулла Орипов ҳақда ҳам ўзининг танқидий фикрларини доим очик ва баралла, ҳатто Совет даврида ҳам айтиб келган. Танқид қилар экан, у ҳеч қачон Хушев каби тубан ҳақоратларга таназзул этмаган, юксак маданият билан, шоир шахсига ҳурмат билан ёндошган.

Мухаммад Солиҳ агар Абдулла Ориповни танқид қилган бўлса, уни халқ иродасига қарши сиёсий режимларни ўзининг шоирлик обрўси билан ҳимоя қилганлиги учун танқид қилган, унинг шоирлик истеъдодига ҳасад қилиб ёки мукофот таллашиб эмас. Бу ерда, унинг учун шеърят ёхуд от-обрў рол ўйнамаган, у ҳаминша эътикод нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳар қандай киши билан муносабатини йўлга қўйиб келган.

Шу учун у ҳар ким билан апоқ-чапоқ бўлиб кета олмайди, шу учун ҳам менман деган ҳар қандай одам ҳам у билан дўстлаша олмайди.

Унинг бу хусусиятини Мухаммад Солиҳ душманлари такаббурлик деб айтишади. Ҳолбуки бу унинг эътикоддини белгиладиган муҳим жиҳатдир, агар у шу эътикоднинг қули бўлмаганда эди, у Каримовнинг 1992 йилдаги таклифини қабул қилган бўларди, мамлакатда катта мансабга эришиб, 25 йил сургунда сарсон бўлмас эди.

Мен гувоҳман «Бирлик» ва «Эрк»даги кўпгина можороларнинг келиб чиқишига ҳам, мана шу эътикод омили сабаб бўлган. У ҳеч бир замон нафсининг йўриғига юриб, истаса ҳам эътиқодининг юзига оёқ босиб кетолмаган. Бу унинг феъли билан боғлиқ бўлиб, ичидаги бу ноёб туйғу ҳар доим уни ҳаромдан қалқон каби ҳимоя

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қилиб, ҳалолга ундамаганда, унинг сиз билан Абдирахим Пўлатовдан фарқи қолмасди.

Имони бут бўлмаган одамларнинг қўлларидан бирор иш чиқишига у ишонмаган ва тўғри қилган. Баайни, вақт унинг фойдасига ишлади. У рўйхатидан ўчирган кимсаларни, вақт халқ ҳаётидан ўчириб ташлади. Охир оқибат, дину диёнатсиз, эътиқоди суст одамларнинг шаллақилик қилишдан, хиёнатларга ва таъмаларга қул бўлишдан бошқасига ярамаслиги аниқ бўлиб қолди. Унинг бу каби ҳаёти давомида иймон-эътиқодсиз кимса билан чиқиша олмаганини, мустабид режимлардан ва у берган ҳар қандай мукофотлардан нафрат қилиб келаётганини, бугун бутун ёзувчилар жамоаси ҳам, халқ ҳам яхши билади.

Шахсий ҳавас ва ҳасад ҳам у учун мукофот каби бир жирканч тузоқ эканлигини билиш учун, унга биз каби беғараз ва яқиндан боқмоқ керак. Чунки Оллоҳга қойим бўлган ҳақиқий истеъдод эгасига ҳасад ёт нарса. Муҳаммад Солиҳ шаксиз истеъдодли инсон ва у умрини юрт озодлигига бағишлаган Бехбудий, Фитрат, Қодирий ва Чўлпонлар сингари халқининг шонли фарзандидир.

Халқнинг уни кадрлашини ҳам ҳамма яхши билади. Сиз ва сиз кабиларга, аслида мана шу нарса тинчлик бермаётган бўлиши ҳам мумкин. Халқнинг ғазабидан оловдан кўрққандай кўрққан кимсаларнинг, унинг муҳаббат қўйган кимсаларидан ҳам Азроилдан кўрққандек кўркишини ким билмайди, дейсиз.

Мана, Ўзбекистоннинг ҳақиқий Халқ шоири, ҳассос инсон Рауф Парфининг Муҳаммад Солиҳ ҳақда айтганлари, тингланг:

Рауф Парфи: «Муҳаммад Солиҳ 60-70 йилларда ўзбек шеърятининг мутлақо янги бир тўлқини устида турди, 50 йиллар унутилиб кетган меросимиз жуда узоқ қаровсиз қолди. Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва бошқа жуда кўп шоирларимизнинг асосий ғояси – Туркистон ғояси эди. Туркистон ғояси босқинчилар учун, мустамлакачилар учун жуда кўрқинчли бир душманлари эди. Ана шу руҳимиздан юлиб олинган ғояни ўзбек шеърятда биринчи бўлиб Чўлпонлардан

кейин, Фитратлардан кейин ўзбек шеърятда айтган шоир Муҳаммад Солиҳдир.»

Муҳаммад Солиҳнинг китобларини ўқиган киши унинг танкиди асосан режимларга қарши бўлганига гувоҳ бўлади. У шахсларни жуда кам танқид қилган. Айти пайтда, у танқит қилган шахс адолатсизликка учраса, ҳаммадан олдин уни химоя қилган.

Бунга мен 1989 йил 15 апрел ойида Ўзбекистон ССР Агротрибуналлик биносида, СССР Олий Кенгашига сайловлар ўтказилаётган бир мажлисда шахсан гувоҳ бўлганман (У пайтда, мен «Бирлик» ҳаракати ёшлар қанотининг лидери эдим). У пайтда Шароф Рашидовни танқид қилиш мода бўлган эди. Аммо номусли бир инсон сифатида, Муҳаммад Солиҳ ўзи бир пайтлар танқид қилиб юрган сиёсий арбоб Шароф Рашидовни қутилмаганда химоя қила бошлади!

Мана, ушбу чиқишдан бир парча:

Муҳаммад Солиҳ (Муҳаммад Солиҳнинг Ўзбекистон ССР Қишлоқ Хўжалиги Вазирлиги биноси минбаридан сўзлаган нутқи): «Брежнев замонида ошиги олчи бўлганлар Брежневнинг қурбониман, деб жар солмоқдалар. Рашидов қозонини ялаганлар, Рашидов мени таъқиб этди, дея биздан мукофот қутмоқдалар. Аммо Сталин майиб этган, Брежнев ҳақорат этган, Рашидов тазийқ ўтказган инсонлар чеккада жим туришибди. Улар уятдан, чидаб бўлмас уятдан ерга киришга тайёр бўлиб, бир чеккада туришибди. Бу иккиюзламачи, фирибгар гуруҳ қаршисида улар ожиздирлар. Зеро, Тўғрилиқ ўзини химоя этолмайди, Тўғрилиқ ўзини оқлай олмайди, у «мен хўрланган эдим», деб, нолишдан ор қилади...».

Муҳаммад Солиҳнинг бу нутқи тўғридан тўғри ўша пайтнинг ҳукуматига қарши эди. Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби Рафиқ Нишоновга, иккинчи котиби, Москванинг одами Анищевга қарши отилган бир ўқ эди бу нутқ. Бу нутқ айтилганда Исмаил Хушев Қашқадарё областининг секретари Ислом Каримовнинг орқасига спирт суртиб, нозик жойларини массаж қилиб, ғурурланиб юрган эди.

Бундан ташқари Муҳаммад Солиҳ мусулмондир. Пайғамбаримиз(с.а.в)дан мусулмон ким, деб сўрашганида, «мусулмон

тилидан ва қўлидан амин бўлган кишидир», деб жавоб берган эдилар. Яъни, тилидан ва қўлидан ёмонлик келмайдиган киши. Муҳаммад Солиҳ, шундай мусулмондир. Шу учун ҳам, у сиз билан бир қозонда қайнай олмайди. Албатта, Каримов режими ёллаган кимсаларнинг бу каби сўзларни ҳазм қилишлари жуда қийин бир нарса.

Ўртоқ Исмаил Хушев, билинг-ки, ниятингизни ўзгартирмасангиз, жуда яқинда худди Пўлатов каби шумшайиб, тешик тоғора устида умрингизни ниҳоясига етказасиз.

Сиз аслида бугун ҳам на МХХга, на-да орқасини уқалаб, лаганбардорлик қилганингизни ғурурланиб «Дунё ўзбеклари»да бутун дунёга ошқор қилганингиз, Андижон – ўзбек миллати қотили Каримовга кераксиз!

Миллатимизнинг душманига дўст бўлганлар, бизнинг душманамиздир, Оллоҳу Акбар.

Ўзбекистондаги воқеаларни ёритадиган муҳолиф ва мустақил сайтларнинг рейтингига ҳақдаги илк мақоламиз босилганда ЎХХ веб саҳифаси «Озодлик» радиоси ва «Ўзметроном» сайтларидан кейин 3-ўринни эгаллаб, дунёда 500 мингинчи ўринларда эди. Бу юксалишга монелик кўрсатиш учун Ўзбекистон МХХ ҳакерлари бир ой давомида ҳужумлар уюштириб, веб сайтимизни чўқтирдилар, биз бир ой ва ундан кўпроқ муддат ичида сайтни қайтадан тиклашга муваффақ бўлдик.

Дунё глобал рейтингига Uzخالqharakati.com сайти 945 824-ўринни, Duniyouzbeklari.com сайти эса 985 080-ўринни ишғол этаган. Бу Duniyouzbeklari.com сайти, Uzخالqharakati.com сайтидан дунё глобал рейтингига 39 256 поғона орқада дегани.

Ҳозир ўқувчилар сони секин-аста кўпайишда давом этмоқда. Аммо шу ҳолда ҳам сайтимиз муҳолиф сайтлар ичида энг олдинги сафларда бораётган саҳифалар ичида. Бунини дунё глобал рейтингига расмий кўрсаткичларига қараб билишингиз мумкин.

ЎХХ сайти редактори Содик Аҳмад

Sodiq9091@gmail.com

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий

нашри

www.uzخالqharakati.com/erkinyurt

Муҳаррир: Нурбек Саломов